



## МИЛЛИЙ ҚУРУЛТОЙ: ДАШТ ДЕМОКРАТИЯСИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТЎҚАЕВ  
БУРАБАЙ ШАҲРИДА ЎТГАН МИЛЛИЙ  
ҚУРУЛТОЙНИНГ IV ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТДИ**

Тадбирда Давлат раҳбари маъруза қилиб, Миллий қурултой фаолияти бошлагандан буён мамлакатдаги бир-қанча ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилингани, йил сайин мавзу доираси кенгайиб, қайд этилган камчиликлар қонун доирасида бартараф этилаётгани, жамият тафаккурининг ижобий жиҳатдан юксалаётганини таъкидлади. Қурултой аъзолари жамият ҳаётининг долзарб масалалари юзасидан ўз тақлифларини билдирдилар.

Тадбир ҳақида батафсил газетанинг келгуси сонида ўқийсиз.

## ҚОЗОҒИСТОН – ЎЗБЕКИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

**ҚР ПАРЛАМЕНТ СЕНАТИ  
ҚОЗОҒИСТОН ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ  
САВДО АЛОҚАЛАРИНИ  
МУСТАҲКАМЛОВЧИ  
ҲУЖЖАТНИ МАЪҚУЛЛАДИ**



ҚР Парламенти Сенатининг умумий мажлисида “Қозоғистон Ҳукумати ва Ўзбекистон Ҳукумати ўртасида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази фаолиятини сошлаш тўғрисидаги битимни ратификация қилиш ҳақида”ги Қонун маъқулланди.

Қонуннинг асосий мақсади икки томонлама ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш. Ўзбекистон Қозоғистоннинг Марказий Осиёдаги асосий савдо ҳамкорларидан биридир. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга асосланган бўлиб, турли йўналишларда жадал ривожланмоқда.

– Мазкур шартноманинг имзоланиши Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг 20-йигилиши қарорини амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси маркази минтақадаги энг йирик юк оқимларини бирлаштириш, қайта ишлаш ва тақсимлаш маркази, шунингдек, “Шимол – Жануб” транспорт йўлига доирасида саноат кооперациясини ривожлантириш маркази бўлиб хизмат қилади, – деди сенатор Алишер Сотволдиев.



Бу марказ Қозоғистоннинг “Атамекен” ва Ўзбекистон томонидagi “Гулистон” назорат-ўтказиш бекатларига яқин жойлашган. У ишлаб чиқариш майдончалари, омборлар ва транспорт инфратузилмасидан иборат бўлади. Бундай қарор юк ташишни тезлаштириш, логистика харажатларини камайтириш, етказиб бериш занжири иштирокчилари сонини камайтириш, яқиний миқоз учун маҳсулот таннархини пасайтириш ва етказиб бериш самарадорлигини ошириш имконини беради. Шартномага мувофиқ, марказнинг умумий майдони 100 гектарни ташкил этади. Бу ҳудудга минтақавий саноат ҳудуди мақоми берилади.

– Туркистон вилояти томонидан ўтказилган очиқ танловни “Trans Continental Logistic Gr” компанияси бевосита сармоядор сифатида ютиб олди. У марказнинг ички ва ташқи инфратузилмасига сармоя киритади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, зарур сармоялар тахминан 27 миллиард тенгени ташкил этади. Сармоя шартномалари имзолангач, молиялаштиришнинг аниқ шартлари ва миқдорига аниқлик киритилади. Марказнинг расмий очилиш маросими 2027 йилнинг биринчи ярмида ўтади. У янги ишлаб чиқариш ва иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини қайта ишлаш, шунингдек, фармацевтика, электротехника, кимё, терини қайта ишлаш, тўқимачилик ва тикувчилик каби соҳаларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кўмаклашади. Бу, ўз навбатида, яқин беш йилда товар айланмасини 10 миллиард АҚШ долларига етказишга хизмат қилади, – деди депутат.

Битимнинг ратификация қилиниши чегарага яқин давлатлар билан икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси марказини ташкил этиш орқали ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини жонлантириш имконини беради.

24.kz. маълумотлари асосида.

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 15 март, шанба, №29 (3530).

Президент

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА



**ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК  
БҮЙИЧА ЕВРОПА КОМИССАРИ  
ЙОЗЕФ СИКЕЛАНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ**

Қасим-Жўмарт Тўқаев Европа Иттифоқининг олий мартабали вакилига эътибор қаратар экан, мамлакат муҳим ташқи иқтисодий ва сармоявий ҳамкор сифатида ташкилот билан ҳар томонлама стратегик шерикликка устувор аҳамият қаратишини таъкидлади.

– Қозоғистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори бўлиб қолмоқда. Ҳамкорлик доирасини кенгайтириш тўғрисидаги битим мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилмоқда, – деди Давлат раҳбари.

Йозеф Сикела Президентга учрашув учун миннатдорчилик билдириб, Европа Иттифоқи минтақага алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлади.

– Марказий Осиё Европа Иттифоқининг муҳим ҳамкори бўлиб, бу келажақ учун улкан салоҳиятларни рўйбга чиқаради, – деди комиссар Йозеф Сикела. – Ҳозирги дунёвий муаммолар мустаҳкам шериклик зарурлигини ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ намоён этмоқда ва мен ўз хизматим давомида асосий эътиборни Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёдаги ҳамкорлар сифатли иш ўринларини яратиш, бизнес учун янги имкониятлар очиб ва таълимдан тортиб замонавий инфратузилмагача бўлган асо-

сий хизматларни яхшилаш учун биргаликда илгари сураётган Global Gatewayнинг асосий лойиҳаларига қаратаман.

Қ. Тўқаев ва Й. Сикела асосий эътиборни транспорт даҳлизи, логистика инфратузилмаси, барқарор энергия ва рақамли лойиҳаларни ривожлантириш борасида жорий ва янги иқтисодий дастурларга қаратди ва икки томонлама кун тартибининг аниқ масалаларини муҳокама қилди.

Шу билан бирга, минтақавий ва дунёвий муаммолар юзасидан фикр алмашиб, халқаро майдонда, жумладан, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” ҳамкорлиги доирасида алоқани янада ривожлантиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

Европа комиссари ташрифининг мақсадларидан бири иш ўринларини кўпайтириш ва барқарор иқтисодий тараққиётга қаратилган Европа Иттифоқининг Global Gateway сармоявий стратегияси қамровини кенгайтиришдан иборат.

Global Gateway — Европа Иттифоқининг дунёвий сармоявий тенгсизликни қисқартириш ва рақамли, энергетика ва транспорт соҳаларида заковат ҳамда хавфсиз алоқаларни рағбатлантириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, тадқиқот тизимларини мустаҳкамлаш стратегиясидир.

Akorda.kz.  
маълумотлари асосида.

## Наврўз-кўжадан сузинг, она! Наврўз

**БАЙРАМДА 2,5 ТОННА НАВРЎЗ-КЎЖА ТАЙЁРЛАНАДИ**

Бу йилги сайёҳлик мавсуми “Туркистон – Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти” шиори остида ўтказилади. Мазкур тадбир вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш, инфратузилмани яхшилаш, меҳмонларга юксак савияда хизмат курсатиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Байрам тадбирида “Jana Ier” ижодий жамоаси, “Samgʻay” рақс дастаси DJ Shamil ва бошқа санъаткорлар иштирок этади. Шунингдек, мушакбозлик, миллий чолғу дастаси ва фокусчилар чиқишлари, шеърят кечалари ўтказилади. 2,5 тонна Наврўз-кўжа тайёрланади.



ниб, Қозоғистоннинг рекордлар китоби – “КИНЭС” янгиланади. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатларининг сайёҳлик бизнеси вакиллари ва хунармандлари иштирокида республика сайёҳлик анжумани ташкил этилади.

– Бу йил Туркистон шаҳрига алоҳида мақом бериш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат шаҳарнинг халқаро сайёҳлик марказига айланиши учун катта имконият яратади. Режага кўра, вилоятга келаётган сайёҳлар сонини ошириб, Туркистоннинг маданий-маънавий меросини кенг тарғиб қиламиз, – дейди вилоят сайёҳлик бошқармаси раҳбари Нурдаулет Медеуов.

24.kz. маълумотлари асосида.

Наврўзнама – 2025

Наврўз – баҳор ва уйғониш, яшариш, янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир. Наврўз – асрлар давомида халқимизнинг онги ва тафаккурига, руҳияти ҳамда бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган бетакрор, ўзига хос бир оламдир. Наврўз – ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир.



15 март – Хайрия куни сифатида нишонланади. Шу куни шаҳар, туман ва қишлоқларда кам таъминланган оилалар, имконияти чекланган фуқароларга ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия тадбирлари ўтказилади.

16 март – Чанғароқ куни барча мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва имконияти чекланган болаларга кўмаклашиш мақсадида концерт дастурлари, бадий хунармандчилик кўргазмалари, тадбирлар ташкил этилади.



17 март – Миллий анъаналар куни барча маданият муассасаларида миллий анъаналарни акс эттирувчи саҳна кўринишлари намойиш этилади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЯНГИЛАНИШ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

## ҲОКИМЛАР ФУҚАРОЛАР БИЛАН УЧРАШМОҚДА

ҚР Президентининг 2022 йил 3 мартдаги Фармони доирасида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеровнинг вилоят аҳолиси билан учрашувлари ва шахсий қабули бошланди.



Вилоят раҳбари учрашувни Туркистон шаҳрида ўтказиб, минтақа тараққиёти кўрсаткичларига тўхталди. Хожа Аҳмад Яссавий номидаги ХҚТУнинг "Маданият маркази" биносидан ўтган учрашувда фуқароларнинг таклиф ва мурожаатларини тинглади.

– Туркистон шаҳри давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларида юқалиш мавжуд. Вилоятда ўтган йили ялпи минтақавий

маҳсулот ҳажми 453,6 млрд. тенгени ташкил этиб, 22 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ҳажми 34,8 млрд тенгегга етиб, режа 107 фоизга бажарилди. Сармоя кўлами 400 млрд. тенгени ташкил этиб, кўрсаткич 20 фоизга ортди. Минтақада сармоя жалб қилишга устувор аҳамият қаратилиб, тегишли тadbирлар давом эттирилади, – дея Нуралхан Кўшеров туркистонликларни "Тоza Қозоғистон" дастурини қўллаб-қувватлаб, тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшишга чақирди.

Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекулининг ўтган йили амалга оширилган ишлари ва галдаги режаларига доир ҳисоботидан сўнг савол-жавоблар бошланди.

Аҳоли томонидан инфратузилмага оид ижтимоий масалалар кўтарилди. Мурожаатлар назоратга олиниб, тегишли тadbирлар амалга оширилади.

Учрашувдан сўнг минтақа раҳбари фуқароларни қабул қилиб, мурожаат ва таклифларини тинглади.

Қабулга келган фуқаролар уй-жой, бандлик ҳамда коммунал соҳаларга оид муаммоларни айтишди. Уларга бошпана олишга доир қонунлар ҳақида маълумот берилиб, бўш иш ўринлари таклиф этилди. Айрим масалалар шу жойда ҳал қилинди. Ҳар бир масала алоҳида таҳлил қилиниб, қонун доирасида ечимини топади.



Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров Германиянинг "Medal Holding GmbH" компанияси директори ҳамда таъсисчиси Ануар Умбетаев билан учрашди.

Учрашувда томонлар ҳамкорликни ривожлантириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш йўллари ҳақида музокаралар олиб борди. Минтақа раҳбари Туркистон вилоятида сармоядорларга қулай шароит яратилганини таъкидлади.

– Туркистон минтақасининг сармоявий салоҳиятига қизиқиш билдириб, махсус сафар билан келганингиз учун миннатдорчилик билдираман. Вилоят бизнес учун қулай ҳамда ишчи кучи билан етарли даражада таъминланган. Вилоятдан "Ғарбий Европа–Ғарбий Хитой" халқаро даҳлизи ўтади. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, сайёҳлик ва қайта ишлаш соҳалари бўйича сармоявий лойиҳаларга устувор аҳамият қаратилган. Лойиҳаларни муҳокама қилиб, ҳамкорлик қилишга тайёриймиз, – деди Нуралхан Кўшеров.

Германия компанияси вакили 2023 йили икки мамлакат Президентлари иштирокида ўтган Қозоғистон-Германия бизнес-анжуманида имзоланган меморандум ҳамкорликни янада

## ГЕРМАНИЯЛИК САРМОЯДОРЛАР ТУРКИСТОНДА



муштаҳкамлашга туртки беришини таъкидлади. Компания раҳбари электр станциясини барпо этиш, қаттиқ маиший қолдиқларни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ҳамда

қум, тош, фосфорит ишлаб чиқариш, замонавий заводлар барпо этиш ҳамда бошқа лойиҳаларни амалга оширишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Вилоятимизда ёзги таътил чоғида болаларни дам олиш-соғломлаштириш тadbирларини самарали ташкил этиш мақсадида жами 32та лагер хизмат кўрсатади. Шу жумладан, 11таси давлат тасаруфидоғида, 21таси хусусий лагер.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Тажибаев болаларни таътил мавсумига тайёргарлик ишларига бағишланган мажлис ўтказди. Унда вилоят таълим бошқармаси, мутасадди туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, таълим бўлимлари, оромгоҳлар раҳбарлари иштирок этишди.

Таълим бошқармаси раҳбарининг ўринбосари А. Қасимбековнинг маълум қилишича, бу йил ёзги таътилни ташкил этишда бироз ўзгаришлар бўлади. 2025 йили болаларни соғломлаштириш ишларининг

## 40 МИНГДАН ЗИЁД БОЛА ҲОРДИҚ ЧИҚАРАДИ



аксариятини давлат лагерлари ва вилоят таълим бошқармаси тасаруфидоғида 2та муассасада ўтказиш режалаштирилмоқда. Қўшимча ўринлар ҳозирланиб, болалар сонини орттириш кўзланмоқда.

Жорий йилда вилоятдаги ёзги оромгоҳларда 40 мингдан зиёд бола дам олади.

Йиғилишда санитария-эпидемиологик назорат департаменти раҳбарининг ўринбосари А. Бекбулатули махсус йўл харитаси доирасида ишлар давом эттирилишини баён қилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## КУН ТАРТИБИДА – ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР

Вилоят маслаҳати депутатлари туман ва шаҳарларда ҳисобот учрашувларини ўтказишмоқда.

Мақсад – фуқаролар томонидан кўтарилган муаммолар билан танишиб, уларни имкон қадар ижобий ҳал қилиш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот бериш эди.

Махсус жадвалга кўра, учрашувлар Туркистон, Арис шаҳарлари ва Чордара, Мақтаарал, Жетисай туманларида ўтди.

Унда вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов ҳамда юқорида қайд этилган туман, шаҳарлардан сайланган вилоят маслаҳати депутатлари Б. Шўйбеков, С. Аристанов, Е. Хандиллаев, Ж. Қанаев, Ж. Қурақбаев, Е. Ералиев, Т. Қаржауов, Б. Серманизов, Е. Қўсамбетов, шунингдек, ҳокимлар, депутатлар, мутасадди соҳа раҳбарлари, жамоат ташкилот раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Халқ ноиблари фуқароларнинг мурожаат ва таклифларини тинглаб, уларнинг саволларига жавоб беришди. Хусусан,



Чордара туманида УВУ фахрийси номини кўчага бериш, йўл таъмирлаш учун маблағ ажратиш, қишлоқ шифохоналарининг моддий-техника базасини янгилаш, маданият уйини таъмирлаш, шунингдек, кўчаларга қўшимча видеоназорат ускуналарини ўрнатишни таклиф қилишди.

Жетисайликлар сифатли сув таъминоти, "Бадастир мактаб" лойиҳаси доирасида мактаблар, замонавий шифохона қурилиши каби ижтимоий масалаларни кўтаришди.

Туркистон шаҳри аҳолиси уй-жой таъминоти, шунингдек,

янгидан барпо этилган кичик туманларни газ, электр билан таъмирлаш масалалари билан мурожаат қилишди. Арисликлар эса темирйўл устидан осма кўприк қуриш, яйловлар майдонини кенгайтириш масалаларини илгари сурди.

Учрашув сўнггида фуқаролар томонидан кўтарилган ижтимоий масалалар бўйича баённома тўлдириб, мутасадди давлат идораларига йўлланди. Ушбу масалалар ўз ечимини толгунга қадар, депутатлар назоратида бўлади.

Вилоят маслаҳати.

»» Туркистон вилоят маслаҳати раисининг буйруғи

## Туркистон вилоят Жамоат кенгашини тасдиқлаш тўғрисида

7 март 2025 йил 8-сон билан рўйхатга олинган.

Қозоғистон Республикаси "Жамоат кенгашлари тўғрисида"ги Қонунининг 9-модда, 8-бандига мувофиқ:

1. Туркистон вилоят Жамоат кенгашининг ушбу таркиби тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин ва Туркистон вилоят маслаҳатининг интернет-захираларида жойлаштирилсин.

Н. АБИШОВ,  
вилоят маслаҳати раиси.

Туркистон вилоят маслаҳати раисининг 2025 йил 7 мартдаги 8-сонли рўйхатга олинган буйруғига илова

## Туркистон вилоят Жамоат кенгашининг таркиби:

1. Абасов Қайнар Бегалиули, "Хлопкопром-Целлюлоза" МЧБ бош директори;
2. Алтаев Ертаи Кенжебекули, Туркистон вилоят ҳокимининг ўринбосари;
3. Аюпов Фарит Ғалим ўғли, Қозоғистон қарат-до шотокан миллий федерацияси президенти;
4. Абдуалиев Қайрат Амангелдиули, Туркистон вилоят Табиий захиралар ва табиатдан фойдаланишни сошлаш бошқармаси раҳбари;
5. Жарилқасин Азиретбергеноли, Туркистон вилоят Фахрийлар кенгаши раиси;
6. Байзақов Ерқуат Шамшибекули, меҳнат фахрийси, жамоат арбоби;
7. Балажан Абай Бекназарули, "Оқтўстик Қазақстан" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси директор-бош муҳаррири;
8. Бейсембаев Бақитжан Жармаханули, "Битимгер" медиаторлар жамоат бирлашмаси раҳбари, касбий медиатор;
9. Бегимов Турғанбек Аширули, Туркистон вилоят "Афгон уруши фахрийлари ва ногиронлар кенгаши" жамоат бирлашмаси раиси;
10. Биназаров Бейбит Бақитбекули, "Respublika" партиясининг Туркистон вилоят филиали мутахассиси;
11. Голярко Владислав Михаил ўғли, "Generation" жамоат бирлашмаси раиси;
12. Елибаев Қайрат Унгдасинули, Туркистон вилоят молия ва давлат активлари бошқармаси раҳбари;
13. Еркинбек Бахит Сейитжаппарули, "Туркистон вилоят таълим ва фан қасаба уюшмаси" жамоат бирлашмаси раиси;
14. Ертаев Сирим Махамбетули, "Nurym Group" МЧБнинг молиявий директори;
15. Есенбаев Нуржан Тўлқинули, Туркистон вилоят "Бокс федерацияси" жамоат бирлашмаси президентининг муовини;
16. Жақипов Бўлат Саулдули, "Turkistan Best Audit" МЧБ директори;
17. Жилқишиев Байдилда, Қозоғистон Республикаси Президенти қошидаги Миллий курултой аъзоси;
18. Жуман Жансерик Бауржанули, "Amanat" партияси «Ёшлар руҳи» ёшлар ҳаракатининг Туркистон вилоят филиали раиси;
19. Ибадуллаев Асилан Сейилбекули, Туркистон вилоят тadbиркорлар Палатаси директори;
20. Қамбарова Зухра Медеу қизи, «Қозоғистон халқ партияси» жамоат бирлашмасининг Туркистон вилоят филиали раисаси;
21. Қадирибеков Керимхан Жанисули, меҳнат фахрийси, жамоат арбоби;
22. Қадирибеков Бақитжан Шамилули, «Байтақ» яшиллар партиясининг Туркистон вилоят филиали раиси;
23. Керимбеков Қурмет Балқибекули, «Жалын» жамоат бирлашмаси раиси;
24. Кузенбаев Ерлан Бақитжанули, Туркистон вилоят жамоат тараққиёти бошқармаси раҳбари;
25. Мусабеков Базарбай Зубайдуллаули, Туркистон вилоят ҳокимининг штатсиз маслаҳатчиси;
26. Нуриддинова Насиба Алихон қизи, «Туркистон вилоят Фуқаролар альянси» уюшмаси шаклидаги ҳуқуқий шахсларни бирлаштириш бўйича лойиҳа раҳбари;
27. Ўсербоев Ансар Жанабайули, Туркистон вилоят ҳудудий сайлов комиссияси раиси;
28. Раманқулов Бақитжан Султанули, «Ауыл» партияси Туркистон шаҳар бўлими раиси;
29. Рисбеков Бегали Мейирқули, «Отандастар қоры» республика нотижорат ҳиссасдорлик жамиятининг Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридаги эксперти;
30. Сапарбеков Абдишуқир Абдималикули, «Фахрийлар ташкилоти» республика жамоат бирлашмасининг Туркистон вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари;
31. Фазилбек Тўтқабай Есенбайули, «Туркистон вилоят Журналистлар уюшмаси» жамоат бирлашмаси раиси;
32. Шалтан Еркинбай Керимбайули, «Шапағат» ногиронлар хайрия жамғармаси президенти;
33. Шомуродов Бахтиёр Абдукарим ўғли, меҳнат фахрийси, жамоат арбоби;
34. Шекербек Аружан Мақсатқизи, «Жас сарбаз» ҳарбий-ватанпарварлик республика ҳаракатининг Туркистон вилоят филиали раисаси;
35. Шўқпаров Алибек Жумабекули, «Халқаро туризм ва меҳмондўстлик университети» нотижорат ХҲ бошқармаси раиси-ректора.

## ҚР ДАВЛАТ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАРНИ САРАЛАШ БОШЛАНДИ

2025 йил 3 мартдан 5 апрелгача баҳорги қақирув доирасида Қозоғистон Республикаси ДҚХ вакиллари барча вилоят марказлари ва республика аҳамиятига молик шаҳарларда номзодларни куриқдан ўтказди.

Уларга қуйидаги талаблар қўйилади: 18-27 ёш оралиғида, бўйи 180 см. дан паст бўлмаган, соғлом, олий маълумотли, спортда ютуқ ва унвонларга эга бўлган қақирилувчиларга устуворлик қаратилади.

ҚР ДҚХ сафига қабул қилинган қақирилувчи-

лар муддатли ҳарбий хизматни 0112 ва 0111-сонли ҳарбий қисмларида ўтади.

ҚР ДҚХ муддати ҳарбий хизмат аскарлари учун Қозоғистон Республикасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган барча имтиёзлар тақдим этилади.

Маълумотлар учун +7 776 800 27 28 телефон рақами орқали боғланишигиз мумкин.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ИШЧИ  
КАСБЛАРИ  
ЙИЛИ

## МЕҲНАТДАН КЕЛАР БОЙЛИК

Тўлебий тумани ҳокимлигида ўтган девон йиғилишида Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаевнинг “Ишчи касблари йили” ташаббусини амалга ошириш йўллари белгиланди.

– Юртимизда ишчи касбларига муносабат 2012 йилда ижобий томонга ўзгара бошлади, – деди туман фахрийлар кенгаши раиси А. Шингисбаев. – Шу йили мамлакатимизнинг “Оммавий Меҳнат Жамияти сари йигирма қадам” ғояси эълон қилинди. Сабаби, жамиятда ишсизликнинг кўпайиши қисқа муддатда мамлакатдаги сиёсий вазиятни таранглаштириши турган гап эди. Муқим даромади йўқлигидан эзилган ёки олган озгина маоши оиласини асрашга етмайдиган одамлар турли намоийшлар, йиғинлар уюштирди. Бундай намоийшлар халқнинг тинчлигини бузади. Натижада, элдаги тотувлик, ҳамжиҳатликка путур етди. Бирлик, ҳамжиҳатлик бўлмаган юртининг келажаги йўқ.

Шу боис “Оммавий Меҳнат Жамияти” ғоясининг асосий мақсади мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, масалани ҳал қилиш учун аҳолини, айниқса, ёшларни хунар-касб ўрганишга, ишлаб чиқаришга жалб этишга ундади. Индустривий тараққиёт сари қадам қўйилди. Бироқ, мутахассис-

ларнинг тақчиллиги кўплаб корхоналарнинг фаолиятига тўсқинлик қиларди. Касб-хунар тизимида ислохотлар юритилди. Бу ишлар бугунгача кун тартибда. Айни дамда хунар-техника ихтисосликларига талаб ортмоқда. Сабаби, дунёвий инқироз даврини тў-

лиқ орта қолдириб, Янги Қозоғистон давлатини шакллантирадиган турли стратегик дастурлар қабул қилинди. Шу жумладан, “Барчага мўлжалланган бепул хунар-техника таълими” дастури ҳаётга татбиқ этилди. Бу ишсиз юрган минглаб ёшларнинг қалбида



умид уйғотди. “Қозоғистонлик ёш фуқаролар! Билимли, меҳнатқаш, ташаббускор, фаол бўлишга ҳозирдан бошлаб тайёрланишлар. Касб сирларини яхши ўзлаштирамангиз, ихтисосликнинг ҳаммаси яхши. Ҳозир техник, илмий ва инновацион мутахассисликлар даври”, деди Президент ёшлар билан учрашувда.

– Бугунги кунда кўплаб ёшларимизнинг ишлаб чиқариш корхоналари, завод-фабрикаларда ишлашга иштиёқи кучайди. Ҳалол меҳнат туфайли буюқ доволарни забт этиш, обрў-эътиборга эришиш мумкинлигига амин бўлишди. “Ишчи касблари йили” “Оммавий Меҳнат Жамияти” ғоясининг узвий давоми бўлиб, ушбу йўналишдаги тадбирлар ўз натижасини бермоқда. Мамлакатимизда саноат корхоналари

сони ортиб бормоқда. Индустрлаштириш харитаси доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар ушбу соҳани тараққиёт элтиришга хизмат қилмоқда, – деди туман маслаҳати раиси Н. Қўйбағаров.

Вилоят ҳокимининг “Ишчи касблари йили” лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан берган топшириқлари ижросини таъминлаш борасида туман ҳокими девони раҳбари вазифасини бажарувчи А. Қипшақбаев маъруза қилди.

Туман ҳокими Еркеғали Алимқулов кўтарилган масалалар юзасидан тегишли соҳа мутаассидларига аниқ топшириқлар берди.

“Жанубий Қозоғистон” муҳбири.



Ёши улғу кексалар онгида йиллар сурури, яқин ўтмишнинг ёрқин хотираси мавжуд. Шу боис бўлса керак, ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавий баркамоллигида ота-боболаримиз ўғит ва насаҳатлари юксак маъно ва мазмун касб этади. Халқимизда “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Қариси бор уйда барака бўлади”, каби ибратомуз гаплар мавжудлиги ҳам ўтмиш буюк, аجدодларнинг бой маънавий мероси билан гурурланиши мумкин бўлган эл эканлигимиздан далолат беради.

Ўтганлар руҳини ёд этиш, тирикларга меҳр-оқибат кўрсатиш қадрият, қолаверса, ҳар бир инсоннинг бурчи, вазифасидир. Мана шу эзгу фазилатлар Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида янада ёрқин намоён бўлмоқда. Қаҳрамон аجدодларимизнинг хотирасини қадрлаш биз, авлодларнинг муқаддас бурчи. Ҳақиқатан ҳам, ёшлиқнинг навқирон чоғларини уруш оловларида, жангоҳларда ўтказиб, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган инсонлар жасорати беқиёсдир. Орадан 80 йил ўтса ҳам, ана шу воқеалар, кечган оғир кунлар ёди бугун

## ЮРТ ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРДА БАРҲАЁТ

си УВУ иштирокчиларини туғилган, хизмат қилган жойи ёки унвонига кўра топиш имкониятини тақдим этиш ниятида. Бундан ташқари, ҳар бир қозоғистонлик ушбу сайт фаолиятига ҳисса қўиши, фахрийлар ҳақида оилавий архивдаги ҳужжатлар, фотосуратлар, фронт мактублари, улар ҳақида ОАВда чоп этилган мақолаларни кирита олади. Маданият ва ахборот вазири берган маълумотга кўра, лойиҳадан асосий мақсад – ҳар бир қаҳрамоннинг номи тарихда қолишига эришиш. Унинг муаллифлари Ғалабанинг 80 йиллигига барча уруш фахрийлари тўғрисида маълумотни ушбу порталда жамлаш тараддудида. Таҳририятимиз ҳам ушбу хайрли ишга ҳисса қўишга бел боғлади.

Журналистик фаолиятим давомида юзлаб Улуғ Ватан уруши фахрийлари ҳақида лавҳалар ёзиб, мусохабалар уюштирдим. Уларнинг аксарияти собиқ СССР ва республика газета-журналларида чоп этилди. Уларда баён этилган маълумотларнинг барчаси [batyrlargatagzym.kz](http://batyrlargatagzym.kz) сайтига йўлланди.

Ёдимда, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг “Достық – Дружба” журналида ишлаётган пайтимида фахрийлар ҳақида мақола тайёрлаш мақсадида пиру бадавлат хонадонга бош бўлиб ҳаёт кечираётган Абдрашит Сансизбаев, Константин Николаенко, Миразиз Абдазов ва

этди. Шундай жанглардан бирида оғир яраланди ва узоқ вақт госпиталда даволанди. Шундан сўнг яна фашистларга қарши жангни давом эттирди. Чехословакияни озод қилиш учун бўлган жангда ёш лейтенант бошчилигидаги аскарлар тиш-тирноғига қуролланган душманнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Улар фашистлар истеҳкомини ёриб ўтишга муваффақ бўлди. Жангдаги жасорати учун вазод командири, кичик лейтенант Абдрашит Сансизбаев 1944 йилнинг 7 ноябрда 211-ўқчи дивизия кўмондонининг буриғи билан “Красная звезда” ордени билан мукофотланди.

Абдрашит Сансизбайулининг хотирасида хизмат қилган қисмининг рақамлари ҳам муҳрланиб қолган:


– 2-Украина fronti, 409-дивизия, 964-артиллерия полки. Чехословакияда бир ой турдик ва яна Венгрияга қайтдик. Жангчиларимизнинг аксарияти япон урушига жўнатилди. Чақирув қоғози олганимизда 18 ёшда эдик. Уруш туғагач, яна 4 йил Германияда қолиб, хизматни давом эттирдик. Умумий ҳисобда етти йил хизмат қилдим, – деди у.

84 ёшли Бектурсун Пирметов ҳам урушга 18 ёшида сафарбар қилинган ва машҳур миллионли Квантун армиясига қарши курашда иштирок этган:

– Биз 1945 йил июнь ойида Монголияга етиб келдик. Сўнг Манчжурия чегарасигача пиёда бордик, 9 августда ўша даврдаги СССР Ташқи ишлар вазири Молотов Японияга қарши уруш эълон қилди. 25 августда биз Манчжурияда Муцацян шахрини фашизм исканжасидан озод қилдик. Ғалабанинг 65 йиллигини нишонлаш арафасида Шимент шаҳрида ушбу шаҳарни озод қилишда иштирок этган хизматдошим Алексей Гаврилов билан тасодифан учрашиб қолдик, уни уйга таклиф қилдим, узоқ суҳбатлашдик, жангларда ҳалок бўлган дўстларимиз хотирладик. Уруш 3 сентябрда якунланди. Японлар капитуляция қилинди. Кейин Квантун ярим оролида бизнинг армиямиз қолди. 1951 йил 15 апрелда уйга қайтдим, – дейди Бектурсун Пирметов.

Урушдан сўнг тарихий ҳақиқатларни тиклаш билан банд бўлган султонработлик Қурбонали Тўйчиев билан суҳбат ҳам қизиқарли кечди.

– Инсоният тарихида шу кунгача 15 мингга яқин урушлар бўлган. Улардан энг даҳшатлиси – 1- ва 2-Жаҳон урушлари. Германия дунёни қайта тақсимлаш учун урушга ҳозирланиб, 1879 йилда Австрия-Венгрия билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузганди. Бу иттифоққа (1881 йилда Франция Тунисни босиб олгандан кейин) Италия ҳам қўшилди (1882), шу тарзда Германия бошчилигида Учлик иттифоқи ташкил топди. Иттифоқ Англия, Франция ва Россияга қарши уруш очишга бел боғлаган эди. 1914 йил 28 июлда уруш бошланди. 1918 йил 18 ноябрда Германия Компьен ярашиш битимига имзо чекди. Бу битимга кўра, уруш ҳаракатлари тўхтатилди. Германия босиб олган Ғарбий ҳудудлардан ўз қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетиш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларини ғолибларга топшириш мажбуриятини олди. 30 октябрда Туркия Антанта билан яраш битимини имзолади. Шундай қилиб, 4 йилу 3 ой ва 10 кун давом этган Биринчи жаҳон уруши Германия ва унинг иттифоқчилари мағлубияти билан якун топди. Урушга сафарбар қилинган 774 миллион кишидан 10 миллионга яқини ҳалок бўлди, 20 миллиондан зиёди яраланди. Иккинчи Жаҳон урушида 61 давлат (Ер шаро аҳолисининг 80 фоизи) иштирок этди. Ҳарбий ҳаракат-



лар 40 давлат ҳудудида олиб борилди. Қуролли тўқнашуларга 110 миллион киши сафарбар қилинди. 50-55 миллион киши ҳалок бўлди, шу жумладан, жангларда ҳалок бўлганлар 27 миллион кишини ташкил қилди.

Албатта, Улуғ Ватан урушидаги жангу жадалларда жон олиб, жон берган минглаб ҳамюртларимиз, фронт ортида тунни тонга улаб меҳнат қилган, ризқ-насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган юртдошларимизнинг ҳаёти ва матонати ёшлар учун чексиз намуна мактабидир. Шу боис ёшлар бирлашмалари ва ташкилотлари коллежалар ва мактабларда турли суҳбат ва учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларга таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийлари ўз бошларидан ўтган машаққатлар ҳақида хикоя қилиб, ёшларни тинчликнинг буюк неъмат эканлигини чуқур англашга, унинг қадрига етишга, турли хавф-хатарлардан огоҳ бўлишга чақирмоқдалар. Кутубхоналарда ўтказилаётган адабий кечаларнинг аксарияти ҳозирги кунда Буюк Ғалабанинг 65 йиллигига бағишланмоқда.


Улуғ Ватан уруши фахрийси Иса Мирзабеков Ленгер шаҳридаги кутубхонада ёшлар билан бўлган учрашувда иштирок этди.

– Урушнинг даҳшатларини биз кўрдик, сиз асло кўрмангиз. 1941 йилда урушга кетдим. Дастлаб отлик аскарлар полкида хизмат қилдим. Кейин пулемётчиликни ўргандим. Смоленск шаҳридаги жангларнинг бирида ёнимизда бомба портлаб, тупроқ остида қолганман. Атрофдагилар мени ўлди, деб ташлаб кетишган. Бироқ андижонлик дўстим Исмоил “Жасади мусофир юрда қолиб кетмасин”, дея, мени тупроқ остидан қичариб, орқалаб кетган. Анчадан кейин нафас олаётганимни сезиб, госпиталга ётқизишган. 8та госпиталда даволандим. Сўнг яна фронтга кетдим. Венгрия, Эстонияни озод қилишга қатнашиб, Берлингача бордим. У ерда ярадор бўлиб, она юртимга қайтдим. Умрим бор экан, шундай фаровон кунларга етиб келдим. Бу кунларнинг қадрига етинлар, болаларим, – деди у.

Шундан сўнг китобсеварлар сўзга қичиб, ёшларни Ватанин севишга, уни кўз қорачиғидек асрашга даъват этдилар. Болаларнинг Ватан ва ота-онани қадрлаш тўғрисидаги шеър ва қўшиқлари нурунийларга хушнудлик бахш этди.

Уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳаёт-мамат жангларда қатнашиб, ўта бешафат синовларни бошдан кечирганлар. Улар тинч-осуда кунларда ҳам ўз меҳнатсеварликлари, ватанпарварликлари билан шахсий ибрат кўрсатиб, эл эъзозига сазовор бўлган мўътабар инсонлардир. Шундай экан, юртимиз равнақи, ҳаётимиз фаровонлиги, осмонимиз мусаффолиги учун беқиёс хизмати синган фахрийларни эъзозлаш энг олий инсоний бурчимиздир.

А. АБДУФАТТОҲ,  
(давоми бор).



нафақат уруш қатнашчилари, балки бутун авлодлар хотирасидан ҳали ҳамон ўчгани йўқ.

Шу боис, юртимизда ҳар йили 9 май – Ғалаба куни арафасида уларнинг жасорати яна бир бор тилга олинади. Ўтганлар ёдга олиниб, орамизда ҳаёт кечираётган уруш фахрийларига хурмат бажо келтирилади. Қолаверса, бу байрам тушунчаси кенг маънода истиқлолимиз, бугунги фаровон кунлар учун жон фидо этган юрт фарзандларини хотирлаш, ҳаёт бўлганларни эса эъзозлаш демакдир.

Ўтган йили мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши фахрийларига бағишланган портал ишга туширилганди. Яқинда сайт муҳарриридан ҳамкорлик тўғрисида таклиф олдим. Махсус порталда фахрийлар тақдирини ҳақида маълумот олиш ва маълумот тарқатиш мумкин. [batyrlargatagzym.kz](http://batyrlargatagzym.kz) сайтида 577 минг нафардан зиёд аскар ҳақида турли манбалардан тўпланган маълумот мавжуд. Лойиҳа жамоатчилиги ва кўнгилчиларда катта қизиқиш уйғотди. Энди уруш қатнашчиси ҳақида маълумотини унинг исм-шарифини ёзиш орқали олиш мумкин. Келгусида портал жамоа-

Абдулхамид Шодмоновларнинг уйларига бориб, суҳбат қургандим. Фахрийлар уруш йиллари ва хизматдош дўстларини, жангоҳларда қурбон бўлган дўстларини ёдга олишганди. Мақола “Достық – Дружба” журнали кутубхонаси” туркида ишга чоп этилган тўпламга киритилди. Қуйида ушбу мақолани жузъий қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

“Сталин ва Ватан учун жангга!” деган шпор остида уруш майдонларига ташланган юз минглаб ҳамюртларимиз шонсиз-шарафсиз қурбон бўлгани тарихий ҳақиқат. Шу кунларда бутун дунё фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 65 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриб, Ватан учун жонини фидо қилган жангчилар хотирланмоқда.

Йилдан йилга камайиб бораётган уруш фахрийлари бугунги кунда фақат хотиралар билан ҳаёт.

Биринчи суҳбатдошимиз, Абдрашит Сансизбаевнинг жасорати тўхтагани.

У 1942 йили 18 ёшида жўнаб кетди. Украина-ни озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок

»» Давлат ва жамоат арбоби Жумабек Ахметули Ташенов таваллудига – 110 йил



## БУЮК ШАХС РУҲИГА ТАЪЗИМ...

бошланди. Тарбиявий аҳамиятга эга ушбу тадбирларда мактабимизда таҳсил олаётган 1100 ўқувчи ҳамда 137 нафар устоз фаол иштирок этади. Хусусан, деворий газеталар чиқарилади, кўргазмалар, давра суҳбатлари, спорт мусобақалари уюштирилиб, махсус кинофильм намойиш қилинади. Фаол устозлар ва асосий вазифаси – ўқувчиларга эрта билгим бериш. Мактабимизда 7 нафар "Алтын белги"га номзод бор, битирувчиларнинг ЯМТдаги иштироки 80 фоизни, ўртача кўрсаткичимиз 78 баллни ташкил этади, – деди директор Қ. Қалиев.



Жумабек Ташенов 1915 йил 20 март куни Ақмўла вилоятида туғилган. Давлат ва жамоат арбоби. ҚозССР Вазирлар маҳкамаси Раиси бўлган. Юқори лавозимларда фаолият юритиб, Қозоғистон давлатининг худудий яхлитлиги сақланишига улкан ҳисса қўшган фидойи раҳбар сифатида тарихда қолган. Ж. Ташенов 1986 йили 3 ноябрда 71 ёшида Шимкент шаҳрида вафот этган.



Саврон тумани, Чўрнок қишлоғидаги Жумабек Ташенов номли умумтаълим мактабига ташриф буюриб, Қозоғистон тарихида муносиб из қолдирган тарихий шахснинг 110 йиллигига тайёргарлик ҳақида мактаб раҳбари, фаол обуначимиз Қанат Қалиев билан суҳбатлашдик.

Ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан тақдирланди. Мактабимиз вилоятимиздаги Ж. Ташенов номидаги 12-умумтаълим мактаби ва Шимкентдаги олий ўқув юрти билан чет орқали доимий алоқада. Устозларнинг

Қозоғистон" газетаси жонкуяри, ўзбек тили ва адабиёти муаллими Нодира Юсуповага ташаккурнома ва йил тақвими тақдим этилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Муаллиф суратга олган.

»» Заковатли миллат



Таълим даргоҳимиз ўз фаолиятини 2023 йили 30 августда бошлаган. Айни пайтда мактабимизда 1-11-синфларда 347 ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Иқтидорли ўқувчилар ва ўқитувчилар шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсидаги турли танлов ва мусобақаларда муваффақиятга эришмоқда. Хусусан, умумий фанлар бўйича республика олимпиадасининг вилоят босқичида 10-синф ўқувчиси Шодиевна Темирбоева

## “URKER” УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА

фахрли 2-ўринни, қишлоқ мактаблари ўқувчилари орасида ўтказилган республика олимпиадасида Фарангиз Мирзахоннова 3-ўринни, Фазилат Эркинова эса вилоят олимпиадасида фахрли 3-ўринни эгаллади.

“Иқтидорли ўқувчиларга – маҳоратли устоз” танловининг вилоят босқичида рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шерали Аминов фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Навоий халқаро ўқувлари танловида 10-синф ўқувчиси Насиба Қодирова фахрли иккинчи ўринни, “Мерген Ару – 2025” мусобақасида 7-синф ўқувчиси Доно Усмонова, 9-синф ўқувчиси Малика Хайруллаева ғолиб чиқиб, Ақтўбе

шаҳрида ўтадиган республика биринчилигига йўлланма олди. “Ёрқин келажак” республика қоқоқ тили олимпиадасининг вилоят босқичида совринли учинчи ўринни 7-синф ўқувчиси Дилнура Муҳаммадалиева эгаллади.

Асосий мақсадимиз – ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон халқига йўллаган Мактубида маориф соҳаси ходимлари олдига қўйган залворли вазифаларни юксак савияда амалга ошириб, ўқувчиларнинг сифатли билим ва онгли тарбия олишига эришиш.

Достон АБДАЛИЕВ,  
“Urker” умумтаълим мактаби директори.  
Қарнок қишлоғи.

»» Сўранг, жавоб берамиз!

## ОНЛАЙН САВДОДАН КУЙИБ ҚОЛДИМ



“Каспий” дўкони орқали рўзгорга керакли техника буюмини харид қилдим. Кўп фойдаланмадим, бузилди. “Каспий”га сим қоқиб, воқеани айтсам, оператор тайинли жавоб бермади. Бироқ кўлимда на кафолат ҳужжати, на бирорта тўлов ҳужжати бор. Фақат электрон тўлов қилганимни уяли телефоним орқали исботлай оламан, холос. Энди нима қилсам бўлади?

М. МАҲМУДОВ, Сайрам тумани.

Мутахассислар фикрича, ҳуқуқшунос Л. Ўринбоева бундай ҳолатларда, яъни товар харид қилган истеъмолчининг сотувчига нисбатан даъвоси бўлса, уни ариза матни сифатида тайёрлаб, телефон, почта орқали (хат), ёки сотувчининг электрон почта манзилига йўлланади. Сотувчи истеъмолчи даъвосини 10 кун ичида кўриб чиқиши лозим. Ва аризада кўрсатилган талабларга рози бўлмаса, истеъмолчининг даъвоси қабул қилинган кундан бошлаб 10 тақвим кун ичида ёзма жавоб тақдим этиши шарт.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуннинг 6-моддаси 30-бандида сотувчининг фуқаролик жавобгарлиги кўзда тутилган:

сотилган товар сифатсиз бўлса, сотувчи истеъмолчига муддат зарарини қоплайди. Агар тўламасачи? Ихтиёрий равишда бундай даъволарни қондириш рад этилса, томонлар низоларини судга хал қилиш идораларига йўллашлари мумкин. Қозоғистонда бу каби масалалар билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси шугулланади. Аризани онлайн йўллаш мумкин (eotinish.kz). Агар бу йўл билан ҳам истеъмолчи низоини хал қилишнинг иложи бўлмаса, унда судга мурожаат этилади.

Судга мурожаат этишда, ҳамда ушбу муаммони хал қилиш учун адвокат хизматидан фойдаланиш тавсия этилади.

Н. МАВЛОНОВА.

Фарай Шарипова меҳнатсевар ва фидойи муаллима, нафақат маҳалласи, балки қадрдон жамоасида ҳам қадрини топган. Хокисор, доимо самимий табассум билан пешвоз қарши оладиган устоз. Шимкент шаҳридаги Абай номли умумтаълим мактабида математика фанидан сабоқ бериб келади. Нафақага чиққан бўлишига қарамай, меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Қахрамонимизнинг ҳаёт йўли кўплар учун ибрат мактаби. Унинг аждоқлари тақдирга битилган қисмат юртимиз тарихидаги машъум воқеадир. Ота-онаси айни кунларда 83 ёшни қаршилаган Ниёз ота ҳамда Султоной ая Гуржистонда таваллуд топишган, Ахиса турклари сулоласининг вилоятимиздаги ёши улуглари. Уларнинг оиласи 1944 йили сиёсий қатагон қурбони сифатида Қозоғистонга, Сайрам туманига бадарга қилинган. Уй-жойи, бор-будидан айрилиб, уларни юк ташишга мўлжалланган вагонда ўзга юртга олиб келишади.



## ҲАЁТДАН РОЗИЛИК – БАРАКА КАЛИТИ



– Ота-онам ўша йилларда 3 ёшли бола бўлган экан, – дейди онахон. – Бу ерда яшаб, вояга етишди, оила куриб, фарзандли бўлишди. Отам 1-сонли касб-хунар техникумида устозлик қилди, онам Сайрам қишлоғидаги В. Ленин номли жамоа хўжалигида меҳнат қилди. Илғорлар сафида бўлди, режаларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшди. Эсимда, “Социалистик меҳнат илғори” бўлгани учун у тикув машинаси билан мукофотланган. Бобом Бахши Гуржистондан УВУга отланган, сўнг соғ-омон урушдан қайтган жангини Сайрам тумани она ватани сифатида қарши олди. Бобом кўкси тўла медаллар билан қайтиб келганида бутун туман фахрланган экан. Ўшанда бадарга қилинган турк хонадонларини ўзбеклар бағрикенглик билан қабул қилишгани ота-онам фахр билан эслашади. Уларнинг авлодлари билан ҳалигача яқин муносабатда. Маҳалладошларимиз ҳашар йўли билан уй куриб, томоққа ер ажратиб беришган. Ўзбек-турк хонадонлари бўлиб аралаш-куралаш яшаганмиз. Онам кўшиларимизга тўқини ўргатардилар. Эсимда, “Султоной, кўлимдан келмаяптику, нима қилсам экан”, дея кўшиларимиз хижолат бўлишарди. Онам далда бериб, ҳамма нарсани эвидан чиқиш мум-

еканлигини умуман билмаганман, мактабни тамомлаш арафасида ҳужжат олаётган кезимиздагина бундан воқиф бўлганман. Узимни турк миллатининг вақиласи деб аташнинг ҳожати ҳам йўқ эди-да – аτροφим ўзбек маҳалласи, мен таълим олаётган 3. Хусанов номли ўрта мактаб ҳам соф ўзбек тилида таълим беради. Энди ўзингиз йўлаб кўраверинг, ўзбек тили оиламизнинг қону жонига сингиб кетган экан.

Опа мактабни тугатгач, шаҳримиздаги политехникумга ўқишга кирди, уни муваффақиятли тамомлаб, товаршунос бўлиб ишлаб бошлади. Сўнг

си. Хуллас, муаллимлар хонадони. Нафақадор кексалар эса невараларнинг сеvimли бобо ҳамда бувиси.

– Сиздек муаллимларга жамиятда эҳтиёж катта, нафақа ёшинида ҳам ишлангиз керак?

– Фикримча, ёшларга имконият бериш керак, улар ҳам тажриба орттиришлари жоиз. Тажрибани эса йиллар мобайнидаги меҳнат эвазига тўплаш мумкин. Раҳбарлар, ҳамкасбларим менга бирон бир ишни топиришса, уни виждонан бажаришга ҳаракат қиламан. Кимдир сенинг хизматингга эҳтиёжманд бўлиб қолдими, демак,



йиллар мобайнида металл базасида меҳнат қилди. Оила курди. Яратган уларга уч фарзанд ато этди. Иқтисодий қийинчилик йиллари кўп қорхоналар ёпилди, хусусийлаштирилди. Корхона 1998 йили тугатилгач, ишсиз қолди. Ҳамма нарсанинг хайри бор, деганлари рост экан. Мактабда, билим юртида “аъло” баҳоларга ўқиган, барча тадбирларда фаол иштирок этган, айниқса, математика фани жони дили эди, ўша истеъдод иш берди.

бу Яратганнинг марҳамати деб қабул қиламан, фарзандларимга ҳам шуни ўргатаман. Демак, кимнидир менинг бажараётган ишларим қониқтиради. Агар борди-ю, шундай илтимослар ёки топшириқлар бўлмай қолса, ҳатто тушунлиққа тушиб қолган пайларим ҳам бўлади. Ҳамкасбларимнинг ҳожатини чиқариб, қувонаман, муаллим ўғилларим ҳам худди шундай тахлитда меҳнат қилишади. Самимийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик юксак баҳоланган



кинлигини ўқитишга ҳаракат қиларди. Уйимизда махсус турк пишлоғи ҳеч узилмасди. Онам, албатта, кўшиларимизга илиниб, улашардилар, уларга ҳам пишлоқ тайёрлашни ўргатардилар. Бироқ бирон марта ҳам кимнинг қайси миллатга мансублиги айтилмас, барчамиз ягона оила фарзандларидек аҳил яшардик.

Ақлимни танибманки, ота-онамнинг, биз, етти нафар фарзанднинг турк тилида суҳбатлашганимиз эслолмайман. Бир-икки сўзни ота-онам ишлатгани бўлмаса, уйимизда фақат ўзбек тилида гаплашардик. Ўзбекча урф-одатлари, удуларига асосланиб, кўни-кўшиларимиз билан муроаса мадора қилар эдик. Энг муҳими, биз бахтли ва фаровон яшардик ва айни кунга қадар шундай тахлитда умргузаронлик қилмоқдамиз. Ёшлигимдаги яна бир қизиқ жиҳат – улгайғунимга қадар миллатимиз турк

40 ёшида тўнғич ўғли билан биргаликда талабалик даври бошланди. Ҳаш-паш дегунча, тўрт йил кўз очиб, юмгунга қадар ўтди. “Математика муаллимаси” деган ёзув қайд этилган имтиёзли диплом олди. Маҳалласидаги Ҳ. Олимжон номидаги ўрта умумтаълим мактабига 44 ёшида кутубхоначи бўлиб ишга кирди. 2011 йилдан буён эса математикадан сабоқ бериб келмоқда. Аллоҳ опага ҳамда умр йўлдоши Султонкул акага ҳаётватли кексаликни тақдим этди.

Тўнғич ўғли – Азиз М. Аюезов номидаги Жанубий Қозоғистон тадқиқот университетининг магистрантлари билан ишлаш департаменти раҳбарининг ўринбосари, биолог. Фариз – 43-сонли мактабда жисмоний тарбия муаллими, қизи Адолат “Астана” боғчасида тарбиячи. Тўнғич келини Фотимахон ҳам биолог, иккинчи келини Норғузалхон меҳнат фани муаллима-

ва у ўз соҳибига яхшиликни, албатта, олиб келади.

– Катта маошга ва маоши доирасидаги ишлашга одатланиб бораётган ёшларимиз дунёқарашига бу фикрларингиз умуман тескари бўлса керак?

– Ҳаётимизда юз бераётган кичик ғалабаларимиздан ҳам қувониб яшашимиз керак. Ваҳоланки, кўзимизга майда кўринаётган бу шодликдан инсониятнинг анчагина қисми таъмомила мосува. Қисматимизга исён қилавермаслигимиз, тақдиримиздан рози ва уни қабул қилишни ўрганишимиз жоиз. Ҳар бир вазиятдан хайр излаб, яшашни ўрганишимиз муҳим ва ҳар она фарзандларига ўша ҳиссиётларни сингдирса, шукри, бардошчи авлод вақиллари етишиб қақди. Биз, оналарга катта имкониятлар берилган, қани энди улардан тўлиқ фойдалансак.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Обуначиларимиз орасида

## “Туркистон-насия” МЧБда янги раис



Эски Иқон қишлоғидаги фаол обуначимиз, “Туркистон-насия” МЧБга узоқ йиллар раҳбарлик қилган, ушбу ташкилотни республикадаги энг пешқадам муассаса даражасига етказган таниқли иқтисодчи-молиячи Раҳмон Мавлонов фахрий ҳордиққа чиқиши муносабати билан ушбу муассасага янги раҳбар – Камолиддин Камолов сайланди.

Камолиддин Бўстон ўғли 1988 йили 5 март куни Эски Иқон қишлоғида таваллуд топган. Шимкент шаҳридаги коллежни банк иши ҳамда Тур-

кистондаги ХҚТУни ҳуқуқшунос ихтисосликлари бўйича муваффақиятли тамомлаган. 2007 йилдан “Туркистон-насия” бирлашмасида фаолият юритмоқда. 2012 йилдан буён ушбу муассасада ҳуқуқшунос.

22 йиллик фаолияти мобайнида “Туркистон-насия” МЧБ кўплаб оилаларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун давлат томонидан насия билан таъминланишига камарбаста бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Р. Мавлонов ва К. Камолов.

## ИФТОРЛИК УЮШТИРИЛДИ

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғидаги «Султонийез ота» тамаддиҳонасида «Sahiy» жамоат жамғармаси, «Меҳрибон оналар» гуруҳи аъзолари ва хусусий тадбиркор Абдихалил Анортеев ҳомийлигида ифторлик ташкил этилди. Унда 60 нафарга яқин кўзи ожиз фуқаролар иштирок этди.

Тадбир давомида сўзга чиққан «Sahiy» хайрия жамғармаси раиси Отабек Эркинов, жамғарма аъзоси Азиз Хўжабергано, туман фахрий фуқароси Суннатилла Ақромов, қишлоқ ҳокими ўринбосари Мақсад

Қурбоналиев, бош имом Ҳаётулло Аликүлов, Кўлқент қишлоғи ногиронлар жамияти раиси Тўймурод Эшимов ва туман ногиронлар жамоат бирлашмаси раиси Тўлқин Каримшиқов сўзга чиқиб, эзгу ниятларини изҳор этишди.

Шунингдек, тадбирда Қозоғистон халқи Ассамблеяси ёшлар қанотининг вилоят филиали раиси Нодир Ҳасантоев ҳам иштирок этди. Тадбир қатнашчилари ва ҳомийлар ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

3. МҮМИНЖОНОВ.



»» Ҳаёт сўқмоқларида

## ОНАМНИ ҚЎМСАБ...

Онамнинг соғинчига ўзларининг дийдорини кўрмаганимча таскин йўқ эди. Олдларига бориб келганимдан сўнг, кўнглимнинг чанқоғи бир ойга босилар, кейин яна кўргим келаварди: “Узоқ гаплашиб ўтирмасам ҳам майли, ўзларини бир кўрсам, ёнгиналарида ўтириб, овозларини эшитсам, етарли!”. Шу боис менга ҳар хил тўй-маросимлар, туғилган куну йиғинларга боришининг қизиғи йўқ эди. Турмуш ўртоғимдан биргина илтимосим – “Онамни кўриб келишим учун хурсандчилик билан розилик берсалар бас!”. Рухсат теккач, ёзининг саратонидан қишнинг қаҳратонидан кўркмай, йўл азобидан зарра ҳадигим бўлмаётганлардим.

Эсимда, бундан 30 йилча аввал “Учқудуқ – Бухоро” йўналишидаги автобуснинг жўнаш пайтига етиб боровдим. Байрам арафаси эди, бекаат тўла йўловчи. Беш яшар қизимни бағримга босиб, бўш жой йўқлигидан автобус йўлагига кетганман. Аммо Бухорога етгунча салкам вақт 8 соатлик йўлни қалбим тўла ҳаяжон, қувонч билан ўтказганим бот-бот ёдимга тушаверади.

Дийдорлашув пайтларидаги онамнинг бахтиёр чехрасини таърифлаш қийин. Кўпинча уйимизга бехосдан (ахир, у пайтларда телефон йўқ эди-да) кириб борардим. Дарвозадан уйга киришим билан онам яшнаб кетардилар. Овозларига қалбимни эритиб юборадиган меҳр товланиб пeshвоз чиқарди.

– Бугун қандай яхши кун экан! Қайси шамоллар учирди, болам? Бу нурли сиймога шунчалар азиз, суюкли эканимни неча-нечанчи бор ҳис этсам-да, ҳар гал томоғимни куйдириб, кўзларимга тўладиган ёшларни ютиш, яшириш учун гапни ҳазилга бурардим: – Қизилқумнинг аёвсиз шамоллари учирди, мени!

– Ҳа-я, – гап улардилар онам. – Болажонимни келтирган ўша Қизилқумнинг аёвсиз шамолларидан ўзим айланай...

Энди уринишларим бекор... Бу дунёдан эрта кетган дадамнинг ўринларига ҳам ота, ҳам она бўлиб бизни ўқитмай катта қилган онажонимнинг ихчам жуссасини бағримга босиб, бошимни елкасига қўйган-ча, кўзимни қафтимни орқаси билан тез-тез сидирардим.

Кейин чекка-чекка тоқчалардан, қутичаю тахмондаги кўрпалар орасидан менга атаб қўйган нарсаларни дастурхонга тўкардилар.

– Чўлда яшасак-да, биздаям ҳамма нарса бор, нимага ўзингиз емай асраб қўясиз?! – Янганг бозордан олиб келган майиздан сенга ҳам олиб қўювдим. Ол, есан-чи, – дейди онам чой қуйиб, узатаркан.

...Қиш хаёлкаш. Унинг ўйчанлиги “юқиб”, майдалаб ёғаетган қорга термулган-ча, яна онамни эсладим. Соғиндим! Ҳаёлга нималар келмайди. “Қанийди, шу изғиринли қорли кунда минг машаққат билан йўлларни босиб, автобус йўлагига ўтириб бўлса-да, онамнинг дийдорини кўриш мумкин бўлса! Иккиланмай, ўйланмай, тўхтамай қувончларимдан қанот ясаб йўлга чиқардим”!..

Ҳа, хаёлкаш қиш элагига қорни эмас, аслида дийдорга, эзгуликка, соғинчга ташна умримизнинг ганимат онларини элаётгандай.

Яна хазонларга қайтаман ёлғиз,  
Яна дард барига кўмилар бу из,  
Яна боғлар сенсиз ҳувиллар она,  
Рутуб маҳзанида мубҳам кумуш қиш!

Райҳон ҚОДИРОВА,  
журналист.

»» Обуначиларимиз орасида



## Ота уйининг файзи бўлак, дейдилар

Бу ҳовли кўпчилик жигарларнинг, қадрдонларнинг файзли гўшаси. Бу уйга файз киритиб турадиган ота-оналаримизнинг ёшлари аллақачон етмишдан ошган. Жамол ва Клара Ўразметовлар мана шундай бахтли қариликни орзу қилиб яшаганлар. Бирга ҳаёт кечираётганларига 50 йилдан ошибди.

Бу йилларда не-не қийинчиликларни бошдан кечириш тўғри келмади, дейсиз? Лекин ҳалол меҳнат билан яшаган умрига ҳеч афсусланмайдилар. Оила соҳиби собиқ «Победа» жамоа хўжалигида тракторчи бўлиб, кўп йиллар меҳнат қилган. Хонадон бекаси эса шаҳардаги 16-сонли Талғат Бигелдинов номли мактабнинг кутубхона мудираси сифатида меҳнат қилиб, шу ердан дам олишга чиққан. Инсоннинг қандай яшагани унинг тарбиялаган фарзандларига қараб баҳоланади.

Тўнғич қизлари Нилуфар раҳматли Баргинисо бувининг суюкли невараси эди. Турмуш ўртоғи Қодиржон билан икки ўғилни тарбия-

лаб, вояга етказди. Улар Халқаро Қозок-Турк университетининг хўжалик ишлари бўлимида фаолият юритишади.

Қизлари Дилдора Наврўзова эса олий маълумотли бўлишига қарамай, кеч бўлсада, суйган касбини танлаб, шаҳардаги гўзаллик салонларидан бирида аҳолига хизмат кўрсатмоқда ва таниқли блогерлардан бири. У ҳам турмуш ўртоғи Холмурод билан 2 қиз, 1 ўғил тарбиялаб, вояга етказди.

Қизларнинг кенжаси Юлдузхон Халқаро Қозок-Турк университети ни тамомлаб, шу билим даргоҳида кўп йиллар кутубхоначи бўлиб ишлади ва эндиликда ўзи яшайдиган Ясси қишлоғидаги Тўлқин номли мактаб кутубхонасида иш юритмоқда. Турмуш ўртоғи Шухратжон билан 3 ўғил, 1 қизни вояга етказдилар.

Ота-онанинг кўпдан кутган орзуси бўлган оиланинг кенжаси Жаҳонгир. Халқимизда шундай ҳикматли гап бор: биладиган бажарди, билмайдиган ўргатади. Жаҳонгир ишнинг кўзини била-

диган йигит. Йигит кишига етмиш хунар оз, деганларидек, ёшлигида тўйларда бошловчилик қилди. Шу пайтларда у шаҳардаги хунар-техника билим коллежида ошпазлик йўналишида таҳсил олди. Ҳозирги кунда 28-сонли мактаб-лицейида бош ошпаз. Турмуш ўртоғи Насибон билан бир синфда ўқиган. Мана 18 йилдирки, улар 3 ўғил, 1 қизни вояга етказишмоқда. Оила таъини, ота-онанинг суянган тоғи, опаларининг изловчиси, меҳрибони Жаҳонгир укамиз ҳақиқатан ҳам зиммасига юклатилган масъулиятни ҳис қилган ҳолда, оилада ота-она ҳурмати уни ўрнига қўяди.

Ушбу оила фарзандлари, қариндошлари йиғилган давраларда ҳаммиша ичакузди хангомаларнинг гувоҳи бўласиз. Бу ерда ҳеч нарса сунъий эмас, ҳаммаси самимий. Биз бу оиланинг ҳаммиша эл ардоғида бўлишларига тилақдошимиз.

Тамара ҚУДРАТОВА,  
ҚР Маориф аълочиси.

Тасвирда: саодатли оила фарзандлари.

Муаллиф суратга олган.

Ўзбек адабиётида ватанпарварлик, она замин ҳақидаги қўшиқлар, қардошлиқ қўшиқлари, фахриялар, ватандошлиқ садолари каби гўзал мавзуларда қалам тебратган машҳур шоира Зулфияхоним Исроилова таваллудига баҳорнинг илк куни – 1 март куни 110 йил тўлди.

Ҳар баҳор келганда ўрик гуллари-нинг ифорини туяр эканман, Зулфияхонимнинг “Сен баҳорни соғинмадингми?” шеъри ёдимга тушаверади. Адабиёт сабоқларида Зулфияхоним ижоди ҳақида шогирдларимга дарс ўтар эканман, беихтиёр шоиранинг умр йўлдоши, устози, забардаст шоир Ҳамид Олимжонга нисбатан соғинч, ҳурмат ва эҳтиромнинг нақадар буюклигини такрор ва такрор таъкидлайверарман.

110-сонли 3. Хусанов номли умумтаълим мактабининг 7-“Г” синфида

## Зулфия – бахт, шодлик ва тонг куйғиси



ўзбек адабиётидан “Зулфиянинг “Сен қайдасан, юрагим?” шеъри” мавзусида очик дарс ўтди. Дарс баҳорий кайфият билан бошланиб, шоиранинг ҳаёти ва ижодида оид видеолавҳалар намойиш этилди. Сўнг, ўқувчилар мавзуга оид билимларни ўзлаштириб, шоиранинг шеърларини таҳлил қилишди.

Зулфияхоним ижоди доим ўз тафти ва оҳанрабои билан ёш авлодни ўзига ром этади. Шоиранинг ижоди китобхонни эзгулик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, шу боис ҳам у ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирган ва унинг асарлари бугунги кунда ҳам меҳр билан ўқилади.

Зарифа НИЁЗМАТОВА,  
110-сонли 3. Хусанов номли умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.



»» Заковатли миллат

## МАШҲУР ОЛИМ ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ – МАКТАБ МЕҲМОНИ

Маъмурхон Муталлиб ўгли асос солган «Иқон» мактаб-гимназиясида Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги Ж. Неру номидаги университет профессори, филология фанлари доктори Аҳмад Ахлок Ахан, ўзбекистонлик адабиётшунос олима Шаҳодат Исахонова, Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, ЎзР Давлат хореография академияси доценти Хулқар Ҳамроева, Юнус Ражабийнинг невараси, Юнус Ражабий номидаги консерватория илмий ходими Азизбек Ражабийлар билан ажойиб учрашув ўтди.

Маърифат, маданият, илм ва ахлоқ мавзусидаги суҳбатлардан баҳраманд бўлиш баробарида иштирокчилар мақом куйларини мароқ билан тингладилар. Ҳиндистонлик жаҳонгашта олим, Мирзо Бобур маданий мероси тадқиқотчиси Аҳмад Ахлоқ суҳбати ҳам мазмунга бой бўлди.



Наср ва назмда баракали ижод қиладиган Шаҳодат Исахонованинг теурий маликалар ҳақидаги тўртликлари, хусусан:

**“Ота қаҳринг тошмиди? Меҳринг кўзда ёшмиди? Зулминга бардошмиди? Ё Раб, бу қандай тақдир? Неки бўлса, шоҳ ҳақдир!”**, сатрлари муаллифига тасаннолар айтилди.

Маданиятнинг халқаро миқёсдаги тараққиётида олимларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида баён этилди.

Жамоат арбоби Раҳматжон Абдусатторов Ошиқ Юсуф Ота зиёрат мажмуаси номидан, Маъмурхон Йўлдошев мактаб-гимназияси номидан қадрли меҳмонларга совғалар тақдим этилди.

Учрашув ҳақидаги видеоларҳаларни @shkola\_gimnaziya\_ikan саҳифамизда томоша қилишингиз мумкин.

**Нозима ҲОЖИЕВА,**  
инглиз тили муаллимаси.  
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



»» Туркистонлик китобсеварлар 100 асарни ўқишди

## КИТОБ – ИЛМ ХАЗИНАСИ



Райимжон Қўчқоров раҳбарлик қиладиган “Туркистон китобсеварлар клуби” аъзолари икки йилдан зиёд вақт мобайнида қозоқ, турк, ўзбек, араб, рус муаллифларининг 100та бадиий асарни ўқиб чиқиб, муҳокама қилишди.

Ушбу халқаро маънавий тадбирда Қозоғистон ва қўшни Ўзбекистондан олим, ёзувчи ва жамоат арбоблари иштирок этишди. А. Навоий номли мактаб ўқитувчиси Маҳбуба Мурод қизи олиб борган тадбирда вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармасидан Бахтжан Асил-

ханов, вилоят, шаҳар оқсоқоллари, фахрийлар кенгашлари раҳбарлари Жарилқасим Азиретбергенов, Жарқинбек Қулбайимбетов, Абдихан Абдиқадиров, Тўлқин Саидмуродовлар клуб аъзолари эришган маънавий ютуққа юксак баҳо бердилар. Саврон тумани, Туркистон ва Кентов шаҳарларидаги фаол обуначиларимиздан иборат “Оталар чойхонаси” жамоаси тадбирда тўлиқ иштирок этди. Шоирлар Почтахон Бобононов, Бобожон Ёқубовлар назм кутловларини армуғон этишди.

– Айни пайтда китобсевар-

лар клуби аъзолари 283 нафарга етди. Ижтимоий тармоқлардаги доимий обуначиларимиз сони 25400 нафарни ташкил этади. Клуб фаолияти келажакда кенгайтирилади, – деди вилоят “Ҳўлс” хайрия жамғармаси ҳамда Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, фаол обуначимиз Райимжон Қўчқоров.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**  
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



»» Буюк Даштнинг улўғ алломалари

(Давоми.  
Боши ўтган сонларда).

– Йўқ, ҳозир борасан! – пўписа қилди Шаҳобиддин, – Қози поччанг олдинга солиб кел, деганлар. Тур ўрнингдан!

Мавлуд қори нўхта-сўхтасини йиғштириб, кийиниб чиқди. Икковлон узун-қисқа бўлиб йўлга тушдилар.

Ашрафхон сандалга оёқларини тиқиб ёнбошлаб ётарди. Мавлуд кирди. Салом берди, аммо қозининг қўлини олмади. Бу қозининг қонини қайнатди.

– Ҳм, суяк исини сезиб келдингми, тозибачча? – деди ўқрайиб.

– Бу ўзимнинг ҳалол ақчам. Мол боқиб, семиртириб топганман. Магар сиз ютиб юбормоқчи бўлсангиз, томоғингизга тиқилади, тақсир.

– Тилинг чиқиб қолибдими, баччагар! Ма, ол!

Қози ёстиқ остидан муштрай чарм халта чиқариб олди. Мавлуд қори пулини санади. Икки тилло кам эди. «Бу аждаҳо тўймайди. Сўрамайман. Барибир шаллақилик қилиб бермайди».

Ашрафхон чарм халтачани чангаллаб ўтирган Мавлудга зимдан назар солди. «Бул нобакорни нетиб йўлимизга юргиздик энди? Масжиднинг имомлигини ваъда қилайми?».

Қози мулоиймоқ товушда гап қотди:

– Юз таёқни иккимиз бўлиб едик, бўтам. Бас, шундоқ кетинги силаб кетаберасанми ёнки... қабатимизга қирасанми? Анови кўштегирмондаги масжиднинг имомати бекор турибди. Хоҳласанг...

Мавлуд қори Ашрафхоннинг лафзини кесди.

– Ортингиздан бир юриб кўрдим. Оқибатда ўлкам тешилди. Тавба қилдим. Минбаъд сизнинг ношаръий юмушларингизга бош кўшмагайман.

Мавлуднинг дийдасини қаттиқ қилиб, бетгачопарлик қилгани қозини ётган еридан тургазиб юборди. У қўлини калтак қилиб сермади, бақирди:

– Қаргайман, бетавфиқ! У дунёю бу дунёда барака топма, охиратинг куйсин, деб дуойи бад қиламан! Йўқол, кўзимдан, лаънати!

Мавлуд ўрнидан турди. Бўсагада «салом»га яраша «алик» олди:

– Ҳар кимнинг мазори бошқа, номаи аъмоли бошқа. Ким жаннатга лойик, ким дўзахий – бу ёлғиз қодир Эгамнинг ихтиёрида.

Мавлуд қори шарпадек беиз чиқиб кетди. Ашрафхон анчагача жаҳолатдан ўзига келолмай пишқириб ётди.

Ниҳоят, у Шаҳобиддинга ҳам жавоб берди.

– Камонга қўл бўлсанг, эртангача бир чора топиб кел. Мен ҳам сарҳисоб қиламан. Бор, мен бир мизғиб олай.

Шайх-ул машойихни не-тиб мулзам қилсам экан, деб Ашрафхон кун ўйланди, тун ўйланди. Чора излайвериб, калласи шишиб кетди. Иблисона ишга қўл урган номардга азозилнинг ўзи кўмакка келар эмиш. Қози ниҳоят, рақибига отилажак ўша «ўқ»ни топгандай бўлди. Бир куни тонг саҳар Шаҳобиддинни ҳузурига чақиртирди.

– Ҳўш, камонча, – деди қози сўлттайиб ўтирган қорига, – ўқ топилдими?

– Тақсир... – деб мингиллади Шаҳобиддин ерга қараб.

– Сендин ҳам ҳасипим совиди. Калла деб елканга бўш кадини кўтариб юрган экансан. Сен ҳозир елиб бориб, Жавлон қассобни айтиб келасан.

– Қўй сўйиб, қон чиқарасизми?

Ашрафхон, омон-эсон Самарқанддан қайтсам, бир тўқлими, эчкими сўйиб, хайр-эхсон қиламан, деб ўйлаб қўйган эди. Аммо, шунча муҳлат ўтса ҳамки, у ниятини ортага ташлаб келарди.

– Сени сўйиб, худойи қиламан! – деди ишшайиб қози, – аввало сен бориб қассобни етаклаб кел, сўгин хунаримни кўрасан.

Шаҳобиддин елка қисиб чиқиб кетди.

«Энди қўлга тушдинг, дилдор, – деди ўзича Шайхни ўйлаб қози, – кўрамиз, бул тузоқдан қандоқ қутулиб кетар экансан».

Жавлон қассоб раста тўрида гўшта қоқ суяк ўраб сотаётган эди, Шаҳобиддинни кўриб,

Саъдулла СИЁЕВ

## Аҳмад Яссавий

Роман



елкаси тиришди. «Бу нокас тагин насяга гўшт сўрайди, қарзини бермай чўзади». Бу сафар қори гўшт сўрамади.

– Мени қози почча юборди, – деди ишшайиб, – дарров борар экансан.

– Қози ўрнидан бекор бўлган, деб эшитдиғ, – деди энаси қотиб қассоб.

– Жинни бўлганмисан? Қандайчин бекор бўлади, гўшталла! Ҳозир ҳайбатини кўрсанг, бурунгисидан ҳам ваҳмали. Қани, дўконни ёп!

Жавлоннинг иложи қолмади. Қозининг олдида унинг тили қисқироқ эди. Хушламай дўконини ёпди, сиртига икки қулоч қаноп ип боғлаб қўйди-да, Шаҳобиддинга эргашди.

Ашрафхон мушкул бир масъалада ҳарифини мот қилган уламодек керилиб ётиб эди. Қора қайроқ, бир газлик қайиш, молпичоқ солинган тери тўрвасини саланглади, аввал Жавлон, ортидан Шаҳобиддин кирди. Қассоб, «Бу ебтўймас эски гапни кўзга, тагин илигимни қоқармикан», деган хавотирда четроққа чўқалади.

Жавлон бултур қўй гўшти-ни эчкини, деб сотиб, қўлга тушган, қозига бир кўчқор пора бериб, аранг қутулган эди.

Қози қиличини қайраб ўтирган эди, дарҳол ҳужумга ўтди: – Анови ўғри иниларинг топилдими? – Ашрафхон тоқадан бўш варақ олиб, ҳавода силкитди, – мана, мен Исфижобдин фармойиш олдим. От ўғрилари топилсун, аларнинг икки панжаси қирқилсун. Ўғрилар қўлга тушгунга қадар бирон бир хешими, оға-иниси ё ўғлими зиндонда тутиб қарилсин, деб амр қилибдилар ҳоким жаноблари.

Бул ёлгон фармонни эшитиб, Жавлоннинг жони товонига тушиб кетди. Гап шундаки, бундан уч ойча муқаддам Жавлоннинг Оқмон, Қоромон деган икки иниси тоғдан от ўғирлаб, қўлга тушган, ҳибсдан қочиб, ҳозир қайлардадир бекиниб юрарди.

– Нима қиласан? – деди хўмрайиб қози, – аларни топиб келасанми ё зиндонда ўтира-турасанми?

– Қайдан излайман уларни, тақсир, – деди қалтираб қассоб, – ўғриларнинг тайинли макони бўлмас...

– Андоқ эрса, ихтиёринг. Иниларинг бир ойда топиладими, бир йилдами, унганча сен ҳибсхонанинг сассик деворини искаб ётганинг ётган. Ҳоким тўрага ҳам шундоқ деб жувоб берурман.

Қассоб терлаб кетди. «Бу аблаҳ лафзидан қайтмайди. Етти боламни чирқиратиб... очидан ўлдираманми, неталиман? Кўч-кўронимни ортиб бошқа юртга қўчиб кетайми? Бул замонда золимнинг зулмидан қутулиб бўлмас. Изимдан тушади бу ифлоснинг итлари».

Жавлоннинг нафаси чиқмай қолди. Ниҳоят, узун уҳ тортиб тилга кирди:

– Майлингиз, қози почча. Иниларимни излайман.

– Ана энди эсинг кирди, сенга бир ҳафта муҳлат. Иниларингга туймадай хизматимиз бор. Бизнинг шартга рози бўлса, қўлларини чоптирмайман. Бор энди!

«Туймадай хизмат»ни эшитиб, Жавлоннинг юраги бир қалқиб тушди. У соядай судралиб эшикдан чиқди.

**ОҚМОН БИЛАН ҚОРОМОН**  
31- ф а с л

**Кечираман, лекин кеч ураман.**

**Аҳмад ЯССАВИЙ.**

Бугўйдан сўрадилар: «Нечук хомушсан?» Бугўй деди: «Тепага қарасам, тегиримон тош, паства қарасам яна тош. Нечук хомуш бўлмай?».

Жавлон қассоб ана шу бугўйдой мақомида эди. Иниларини топса, уларнинг қўллари кесилди, бир умрга мажрўх бўлиб қолади. Топмаса, ўзи зиндонга қамалади. Охири у Аллоҳга таваккал қилди. «Биздек ғарибларнинг дуосини ўзинг ижобат қил!» дея, йўрга отини миниб йўлга тушди. Тўрт кун Қоратовни элак-элак қилиб ташлади.

Унғирларга кирди, қалин дарахтзорлар тагига мўралади, қоронги ғорларга бош суқди. Икки саёқ болани кўрмадингларми, деб қўйчибонлардан суриштирди. Оқмон билан Қоромон худди ерга кириб кетгандек эди. Топилмади. Бешинчи кун у Сайхун бўйларига қараб йўртди.

Одатда қароқчилар, ўғрилар дарё ёқасидаги тўқайзорларда жон сақлайди, у ерларда ёввойи хайвонлар кўп, анов-манов кимса оёқ босгани кўради, деб эшитган эди. Тахмини тўғри бўлиб чиқди. Учинчи кун сува соҳилидаги чангалзор орасида тутун кўринди. Жавлоннинг оти ўйноқи эди, ўзи ҳам мол сўявериб, дийдаси қотиб кетган, қашқирдан ҳам, тўнғиздан ҳам хайиқмасди. Жавлон дангал тутун бурқсийётган ерга от солиб борди. Қараса, ит талаган гадодек бўлиб инилари ўтирибди. Эгни-бошлари етти ямоқ, соқоллари бир қарич. Бир декча қозонни қайнатиб, ўчоқни қаврлаб ётишибди. Жавлон тикка бостириб бориб, иргай сопли оғир қамчиси билан иниларини ура кетди:

– Ҳаромилар! Қоча-қоча топган қавакларинг шу ер бўлди-ми? Ота-оналарингни қуйдира-қуйдира гўрга тикдинглар. Энди мени адоий тамом қилмоқчимисилар? Қани, олдимга тушинглар!

Жавлон тагин бир-икки қамчи тортиди. Кичик укаси Қоромон бошини чангаллади.

– Оға, отдан тушинг, ўтириб одамга ўхшаб сўллашайлик.

– Сенлар одам бўлсанглар экан... одамга ўхшаб сўллашасак.

Жигарчилик эмасми, барибир Жавлон бир оз юмшади. Отдан тушди. Жилонни бир бутага илди.

– Ҳўш, гапир, не дейсан?

– Туққан оғамиз бўлатуриб, бизни ўз қўлингиз билан жаллодга топширмоқчимисиз?

– Мени қози почча юборди, тентак, – деди Жавлон, – икковини топиб кел. Товонини тўласа, гуноҳидан кечамиз, хатти барот (озодлик ҳақидаги ҳужжат) ёзиб бераман, деди. Қани, олдимга тушинглар.

«Хатти барот»ни эшитиб, оға-инининг кўнглида умид чирроғи милтиллагандек бўлди.

– Агар имонини ютса, бу сафар нақ қозининг ўзини сўйиб кетаман, йигит сўзим! – деди Оқмон.

У инисига қараганда қорувли ва қайсарроқ эди.

Тўққиз кун деганда уч ака-ука қозининг рўпарасида бақамти бўлдилар. Ашрафхон муртидан қилиб қўйди. «Ўқ» топилган, ёвуз ниятининг ёртиси рўёбга чиқа бошлаган эди.

(Давоми бор).

## »»» Назм дафтаридан

## Она

Оёқлари остида жаннат, бу – она,  
Фарзанди учун жони фидо, бу – она.  
Кулса – кулган, йигласа тез овулган,  
Қалби тоза, меҳрибонсиз, эй – она!  
Оламлар ичра оламдирсиз, сиз – она,  
Гўё фаришталар сингари нурафшон.  
Саранжону сариштасиз, қалби тоза,  
Жаннатдаги гулу райхондирсиз, сиз – она.

## Дадажоним

Дадам менинг кўргоним,  
Суянчигим, қалқоним.  
Дадажоним менинг бахтим,  
Ғамхўрим, тилло тахтим.  
Тиним билмай ишлайсиз,  
Ҳеч кимдан кам қилмайсиз.  
Меҳрингиз тоза булоқ,  
Суюқлигим дадажоним!

## Синглим

Чиройлигим, дўмбоғим,  
Кўзлари кўзмунчоғим.  
Сўзлари асал-болим,  
Гўзалдир менинг синглим.

Исмига мосдир жисми,  
Чиройлигим – дилкашим.  
Кулгу аримас юзидан,  
Кулгулари баҳорим.

Гўзалликда танҳодир,  
Фотима бир оламдир.  
Уйимиз маликаси,  
Ота-онам эркаси.

Зулайхо РАҲИМЖОНОВА,  
Б. Содиқов номли мактабнинг  
7-синф ўқувчиси.

## Вақт қадр

Кунлар ўтар, ҳафталам тинмай,  
Ойлар ўтар, кетидан йиллар.  
Ҳаёт зумда ўтиб бормоқда,  
Ёшлиқ биздан кетиб бормоқда.  
Қадрдоним бир йўқлаб кетинг  
Ҳар дам вақтнинг қадрига етинг.

Бир сония вақтнинг ичиди,  
Нима ишлар бўлиши мумкин?  
Ҳаёт сизга берилган имкон,  
Бор имконни сарфланг яхшига.  
Ишнинг боши – бисмиллоҳ билинг  
Ҳар дам вақтнинг қадрига етинг.

Бир сония нафас олгунча,  
Ҳам ўлмоқ бор ҳамда тирилмоқ.  
Бой бўлмоқ ё, камбағал бўлмоқ,  
Бунинг бари арзимас мутлоқ.  
Сизга берган неъматни билинг,  
Ҳар дам вақтнинг қадрига етинг.

Умр карвон, ўтар ва кетар,  
Ҳаётда ўз ўрнини топинг.  
Из қолдиринг бунда абадий,  
Диндошларим шуни сиз билинг,  
Ширингиз баралла айтинг,  
Ҳар дам вақтнинг қадрига етинг.

## Онам-паноҳим!

Соғлик тилаб, Аллоҳдан сизга,  
Ёзмоқдан дилдан қасида.  
Бу қасидам сиз учун она,  
Ярлақасин сизни Аллоҳим.  
Сиздир менинг меҳрим, паноҳим.

Меҳр тўла кўзларингизни,  
Ширин, сероб сўзларингизни,  
Дуога очган кўлларингизни,  
Менинг дардкаш кўзлари моҳим,  
Дуогўйим, азиз ҳамроҳим,  
Ярлақасин сизни Аллоҳим.

Меҳрингизни туймоқ мен учун,  
Олтиндан ҳам азиз, муқаддас.  
Нурли юзингиз кўрмоқлик эса,  
Бойликдан ҳам афзал ҳар нафас.  
Соғлик тилаб, Аллоҳдан сизга,  
Ёзмоқдан дилдан қасида.  
Бу қасидам сиз учун она,  
Ярлақасин сизни Аллоҳим.

Барно ЭГАМБЕРДИЕВА,  
Б. Содиқов номли 112-сонли  
мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

## ДОНОЛАР БИЛИБ АЙТАДИ

● Баъзан узоқлашмоқ керак, яқинлашмоқ учун. Баъзан эсламоқ керак, эсланмоқ учун. Баъзан йигламоқ керак, очилмоқ учун. Баъзан сукат яхшидир, тингламоқ учун.

● Сўзлар ҳақиқат эмас, бор-йўғи оғиздан чиққан товушлардир. Ҳақиқатни англамоқ учун яшамоққа эҳтиёж бор.

● Қўлмақ елвизакда ҳам чайқалаверади. Уммонларнинг тўлкини муҳаббатнинг маҳобатидандир. Англадим-

ки, теран ва асрорангиз бўлган нарсалар сокин бўлади. Англадимки, сокин бўлган нарсалар теран ва ҳайбатли бўлади.

● Севмаганга чумоли ҳам юк, севганга филлар ҳам чумоликдек гап. Агар инсон ошиқ бўлса ва ишонса, тоғни ҳам елкасида таший олади.

● Илм уч нарсдан иборатдир: зокир тил, шокир қалб ва собир бадан.

Шамс ТАБРИЗИЙ.

## »»» Тәрбие сағати

**Мақсат:** Наурыз мейрамы туралы оқушыларга түсінік беру; ұлтжандылыққа, дәстүрлерді қастерлей білуге тәрбиелеу; ұйымшылдылыққа, өнерге баулу.

**Көрнекілік:** нақыл сөздер, суреттер, ұлттық тағамдар, ұлттық бұйымдар, магнитофон, шарлар, гүлдер.

**Мұғалім:** – Сәлеметсізбе, құрметті ата-аналар, балалар, қонақтар! Бүгінгі Наурыз мейрамына арналған «Наурыз – Ұлыстың ұлы күні» атты ашық сабағымызды бастаймыз!

Балалар, міне Наурыз да келді. Наурыз шығыс күнтізбесінде жаңа жыл басы деп саналады. 21-22 наурызда күн мен түн теңеледі. Наурыз деген сөздің өзі «нау» – жаңа, «руз» – күн деген сөздерден алынып, жаңа жыл деген ұғымды білдіреді. Адамдар Наурызға дайындалады. Олар үй, арық, аула, көшені тазалайды. Ағаш, гүл егеді. Адамдар үйлерінде дастархан жайады.

Ән шырқап, би билеп, ойын ұйымдастырады.

Ушбу касалликка Крим-конго геморрагик безгаги номи берилишига сабаб, вируснинг биринчи марта 1940-йилларда Кримда топилгани ва 60-йилларда Конгода руй берган эпидемия билан боғлиқдир.

Ўтмишда касаллик Марказий Осиёдан ташқари, Шарқий Европа, Ўртаер денгизи давлатлари ва Хитойда ҳам қайд этилган.

Бу касаллик – одамларга асосан майда ва йирик шохли қорамоллардаги мавжуд (иксод) каналарни териш, уларни жунини олиш ёки чўл худудларида уларни боқиш жараёнида кана қақиш орқали юқади. Иксод каналарининг ҳазм йўлларида кўплаб миқдорда касаллик қўзғатувчи вируслар мавжуд бўлиб, кана одамни чаққанда конга тарқалади.

Вирус ажратган моддалар натижасида одам қонининг ивиши издан чиқади. Натижада бурун ва бошқа табиий тешиқлардан қон кетиши кузатилади. Касаллик оғир кечади

**Кейде пациенттер дәригер кабинетинен немесе қабылдаудан соң мәселениң байыбына жету үшін бірден Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорына хабарласады.**

Олардың басым бөлігі емхана немесе ауруханада жұмыс істейтін Пациенттерді қолдау және ішкі сараптама қызметине (ПҚІСҚ) сұрақтарын қойып, көмек ала алатындарын білмейді. Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорында мәлімдегендей, мұндай қызметтер меншік түріне қарамастан медициналық ұйымдардың барлығында жұмыс істейді.

**Бұл қызмет немен айналысады?**

Пациенттерді қолдау және ішкі сараптама қызметі (ПҚІСҚ) медициналық көмекті ұйымдастыру мен медициналық ұйымның клиникалық қызметінеталдау жүргізіп, медициналық көмекті көрсету тәртібі мен стандарттарының бұзылуын, медициналық жағдайлар немесе медициналық қызмет көрсету нәтижесінде пациенттің өмірі мен денсаулығына зиян келтіру фактілерін анықтап, азаматтардың өтініштерін қарайды. ПҚІСҚ «осында және қазір» қағидаты бойынша жұмыс істейді. Ол даулы жағдайларды шешуге, пациенттердің құқығын қорғауға, қажет медициналық көмекті алуына жәрдемдеседі. Сонымен қатар, МӘМС жүйесі туралы кеңес беріп, дәригер тағайындауына қатысты сұрақтарды түсіндіреді.

Егер сұрақ қосымша қарау-

## «НАУРЫЗ – БЕРЕКЕМ, НАУРЫЗ – МЕРЕКЕМ!»



**Бауырласқа тәнтиміз,  
Бұзылмаған салтымыз.**

**Кең даламның ежелгі,  
Қазақ деген халқымыз.**

**Би: «Қамажай».**

**Ұлттық ойын:** Күш сынаспақ.

**Ән:** «Шақырады көктем».

**Ойын:** «Орамал тастамақ».

– Көктем – жыл мезгілінің әдемі бір кезені. Наурыз айында күн ұзарып, түн қысқарады. Күн көзінің шуағы молайды. Қар еріп, жырашықтардан су аға бастайды. Көктем – өте көңілді мезгіл. (интерактивті тақтадағы суреттерді көрсету).

Дастархан басында адамдар қалай отырады, асқа қатысты тыйымдармен,

ырымдарымен, Ұлттық салт-дәстүрлерімен таныстыру.

**Ұлттық ойын:** «Арқан тартыс».

– Наурыз мейрамында халық қуанып, «Көкпар», «Қыз қуу», арқан тарту т.б. ұлттық ойын түрлерін ойнап көңіл көтерген. (интерактивті тақтамен жұмыс)

**Қорытындылау:**

**Мұғалім:**

**– Жаз келер, қыстыгүні қысым кетіп,  
Қар, суық, аяз, боран – бәрі кетіп.  
Қасықтай қар, тобықтай тоң қалмайды,  
Табиғат барша жанға рахым етіп.**

Балалар! Құрметті ата-аналар, ұстаздар! Наурыз – Ұлыстың ұлы күні құтты болсын! Ақ мол болсын!

Наргиза **МОМЫНЖАНОВА**,  
«Сайрам көмекші  
мектеп-интернат-колледжі»  
арнайы кешен»  
КММнің тәрбиешісі.

КОНГО-ҚРИМ  
ҚОНЛИ БЕЗГАГИ

ва ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаса, оқибати нохуш тугаши мумкин.

Ҳайвон боқиладиган молхона, кўраларнинг тупроқлари, лой қилинган деворлар кана кўпайиши учун яхши шароит хисобланади. Шу боис, касалликка қарши курашишнинг самарали усули каналар қақишининг олдини олиш ва уларни йўқ қилишдан иборат.

Крим-Конго геморрагик иситма ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликлар билан курашиш нафақат тегишли хизматларнинг бурчи бўлибгина қолмасдан, балки кенг жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг зиммасидағи масъулиятдир.

Касалликнинг белгилари: тана ҳароратининг 37-40°C даражага кўтарилиши, ҳолсизлик

ва иштаҳанинг йўқолиши, кўнгил айниши, бош, белда, ички аъзоларида оғриқ ва иккинчи босқичда эса бурундан қон кетиши, кўз ёшлари қон аралаш, оғиздан, тиш, милқдан, ошқозон, бош мияга қон қуйилиш холатлари кузатилади. Бундай вазиятда қон оқшини тўхта-тиш мутлақо имкониятсиздир.

**Кана чаққанда кўрсатилдиган дастлабки кўмак:**

• Баданга қаттиқ ёпишиб олган кананинг боши терининг ичида эмаслигига эътибор беринг, чунки бу инфекцияга олиб келиши мумкин.

• Ҳеч қачон канани танасидан тортманг.

• Терига ёпишиб турган канани иложи борича оғзига яқинроқ жойдан пинцет билан олинг ва шифокорга мурожаат қилинг.

• Кана чаққан жойга спирт ва йод эритмасыни суртинг.

Касалликнинг олдини олиш учун, қишлоқлардаги чорва молларини сақлаш шароитини тўғри ташкил этиш ва каналарнинг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Мана шу сингари эҳтиёт чораларини кўрсак, ўзимизни ва оила аъзоларимизни хавфли хасталиқлардан асраган ҳамда сақлаган бўламыз.

Ҳар бир инсоннинг соғлиги ўз қўлида, шу сабабли кананинг қайси тури қақишидан қатъиназар, тезда шифокорларга мурожаат қилиш керак.

Наргиза **ШОМУРОДОВА**,  
92-сонли «Оқсув»  
умумтаълим мактаби  
ҳамшираси.

ЕМХАНАДА ПАЦИЕНТТЕРДІҢ  
ҚҰҚЫҒЫН КІМ ҚОРҒАЙДИ?

ды қажет етсе немесе қызмет оны шеше алмаса, азаматтар өңірлік денсаулық сақтау басқармасына немесе ӘМСҚ-ға төмендегі цифрлық сервистер арқылы жүгіне алады:

● Qoldau 24/7 мобильді қосымшасы;

● Telegram - бот @SaqtandyruBot;

● Қордың ресми сайты: <https://msqorg.kz/>.

**Пациенттерді қолдау қызметіне қандай жағдайларда жүгінуге болады?**

● Шұғыл көмек алу немесе уәскелік дәригерге қаралу үшін сақтандырылған мәртебеңізді талап етсе;

● Уәскелік дәригер болмағандықтан, қабылдауға кіру мүмкін болмаса (мысалы, жү-

мыстан шығып кеткен, ауырып қалған немесе қабылдауды тоқтатқан);

● Уәскелік дәригер/мейірбике/фельдшер үйге шақыртуға бармаса, ал сіз осы емханаға тіркелген болсаңыз;

● Емханада бейінді маман болмаса немесе оның кеңесіне бір ай бойы жазыла алмайсыз десе;

● Медициналық көрсеткіштер бойынша тиесілі диагностикалық немесе зертханалық қызметтерге жолдама ала алмасаңыз;

● Талдау нәтижелерін көрсетпесе;

● Қабылдау кезінде дәригер дерекілік танытса немесе өзін лайықты ұстамаса;

● Көрсетілген медициналық

көмектің сапасына қанағаттанбасаңыз;

● Қойылған диагноз немесе тағайындалған емге күмәндансаңыз;

● Дәригер тағайындауы түсініксіз немесе тағы сұрағыңыз болса;

● МӘМС жүйесіндегі мәртебеңізді және жарналарды қалай төлеу керектігін білмесеңіз;

● Медициналық жазбаларыңызда қате ақпаратты немесе жалған жазбаларды анықтасаңыз;

● Жалпы медициналық ұйымның немесе қызметкерлердің жұмысына қанағаттанбасаңыз және басқа да жағдайларда жүгінуге болады.

**Көптеген жағдайлар жазбаша шағым түсіруді қажет етпейді, олар қызмет мамандарының әрекетімен сол жерде шешіледі.**

Әлеуметтік медициналық сақтандыру қоры азаматтарды өз құқығын қорғауға белсенді болуға шақырады. Себебі уақытылы жүгінген кезде өділдікті қалпына келтіріп қана қоймай, жалпы денсаулық сақтау жүйесін жақсартуға да ықпал етеді.

Махамаджан **ДЖУМАНОВ**,  
«Ақ Ниет Plus» ЖШС  
директоры.

БІЛІМ БЕРУ МЕКЕМЕЛЕРІНДЕГІ ЕҢБЕК  
ҚАУІПСІЗДІГІ МӘДЕНИЕТІН ҚАЛЫПТАСТЫРУ

**Білім беру мекемелерінде келесі қауіпсіздік шараларын қамтамасыз ету қажет:**

● Жұмыс орындарының еңбек қауіпсіздігі стандарттарына сәйкестігін тексеру;

● Қызметкерлерге жеке қорғаныс құралдарын беру (арнайы киім, қолғап, көзілдірік, маска және т.б.);

● Өрт қауіпсіздігі талаптарын сақтау;

● Электр құралдарының, зертханалық жабдықтар-

дың, спорттық инвентардың қауіпсіздігін бақылау;

● Қауіпсіздікті тұрақты түрде бағалау және жетілдіру.

**Білім беру мекемелерінде еңбек қауіпсіздігі деңгейін үнемі бақылау қажет:**

Білім беру мекемелерінде еңбек қауіпсіздігі мәдениетін қалыптастыру – барлық қатысушылардың ортақ міндеті. Басшылықтың қолдауы, қызметкерлердің жауапкершілігі, оқушыларды ақпараттандыру

және қауіпсіз еңбек жағдайларын қамтамасыз ету арқылы ғана бұл мәдениетті дамытуға болады.

Қауіпсіздік – тек ережелер жиынтығы емес, ол әрбір адамның күнделікті өмірінің ажырамас бөлігі болуы тиіс.

**Б. ШААБДУРАИМОВ.**  
**Е. Юсупов атындағы №104 жалпы орта білім беретін мектебінің кәсіподақ ұйымы төрағасы.**

## »» Кутлов!

## Эллик ёшинг муборак, ўғлим!

Ўғлим Бахтиёр, таваллуд айёми муборак бўлсин!  
Сени чин қалбимдан табриклайман, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман!  
Ҳамиша ҳаётингда, ишларингда, ҳамма жабҳаларда омадлар, зафарлар, яхшиликлар ҳамроҳ бўлсин!  
Обрў-эътиборинг, мартабанг доим

баланд бўлсин. Доимо элу юрт назарида юр, раҳбарларнинг эъзозига ва ҳурматига сазовор бўлгин. Келинимиз Дилрабо билан аҳилликда, бахтли ҳаёт кечиринглар. Соғ-саломат бўлинглар.  
Яна бир бора тугилган кунинг муборак бўлсин!

Эътиром ила падари бузрукворинг  
Акмап АБДУЛЛАЕВ.



## »» Тўйхат ўрнида

Вилоятимизнинг  
фахрий фуқароси

УСТОЗ, ДИРЕКТОР, ДЕПУТАТ,  
ЖАМОАТ АРБОБИ ВА  
“ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН” ГАЗЕТАСИ  
ЖОНКУЯРИ ЗУППАРХОН СУБАТ ЎҒЛИ  
ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР

Жорий йил 3 март куни ҚР Президенти Қасим-Жумарт Кемелули Тўқаев Туркистон шаҳрига алоҳида мақом бериш ҳақидаги Фармонни имзолади. Мақоламиз қаҳрамони, Эски Иқон қишлоғининг ҳимматли фарзанди, АМАНАТ партиясининг фаол аъзоси Зуппархон Субат ўғли Чолдонов ушбу хайрли ишга ўз хиссасини қўшган ҳурматли ҳамюртимиздир.

2000-йили Туркистон шаҳрининг 1500 йиллик юбилейи халқаро миқёсда нишонланди. Қўҳна тарихимиз ва маданиятимиз кўзгуси Туркистонга алоҳида мақом бериш кўпчилиги тилида ва дилидаги орзу эди. Шаҳар ҳокими Ўмирзақ Аметули ташаббуси билан вилоят маслаҳати депутатлари Зуппархон Чолдонов, Раҳим Танирбергенов, Сайлаубек Шалхаров, шаҳар оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азиретбергенов ҳамда шаҳар маслаҳати котиби Зейнулла Еркебалаевлар пойтахтга Хукумат ва Давлат раҳбари эътиборига Туркистонга алоҳида мақом бериш масаласи бўйича темирўлди вокзалдан отлангани, “Жанубий Қозоғистон” газетасига мусохаба беришгани кунни кечагидек ёдимда. Вилоятимиз вакиллари жанубий пойтахтда Туркистон шаҳрининг аҳамиятини шараф билан ҳимоя қилиб, масаланинг ижобий ҳал қилинишига замин яратдилар. Уша пайтда жаҳон инқирози туфайли иқтисодий қийинчиликлар юзга келиб, кейинга қолдирилган табаррук ният чорак асрдан сўнг амалга оширилди.

Зуппархон Субат ўғли 1955 йили 28 март куни Туркистон туманининг Эски Иқон қишлоғида дунёга келди. Қишлоқдаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли мактабни муваффақиятли тамомлагач, пахтачилик давлат ҳўжалигида ишчи бўлиб ишлади. Ҳарбий хизматда икки йил йигитлик бурчини шараф билан бажарди. Наманган Давлат Педагогика институтини жисмоний тарбия ихтисоси бўйича иккинчи даража билан, Шимкентдаги ҳудудий ижтимоий инновация университетини ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича муваффақиятли тамомлади. 1980 йилдан “Ёшлар ва ўсмирлар” спорт мактабида мураббий, жисмоний тарбия ва спорт бўйича услубиятчи, катта мураббий вазифаларида меҳнат қилди. 1985 йилдан директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, 1986 йилдан билими, ташкилотчилик қобилиятлари инobatта олиниб, директор лавозимига тайинланди. 1998 йили 3. Чолдоновнинг зиммасига



улкан масъулият юкланиб, ўзи ўқиган кадрдон ўқув даргоҳига директор этиб тайинланди. 21 йил давомида “Иқон”, ҳозирги Ал-Форобий номли умумтаълим мактаби директори сифатида таълим масканининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларнинг билим савиясини юксалтиришга улкан ҳисса қўшди. 2013 йили таълим даргоҳи ЯМТда эришилган зафарли натижалари учун Қозоғистон Республикасидаги “Энг илғор 100 мактаб” сифага кирди. Бу – Зуппархон Субат ўғли раҳбарлигида устозларнинг захматли меҳнати маҳсули эди.

1994 йили Туркистон туман, 1999 ва 2016 йилларда икки марта Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳати депутати этиб сайланди. Сайловчиларини ташвишлантираётган муаммолар ижобий ҳал қилинишига ўз улушини қўшди. Зуппархон Субат ўғлининг таълим даргоҳи раҳбари ва туман, вилоят маслаҳатларида депутат сифатида амалга оширган меҳнатлари шаҳар, вилоят давлат республика миқёсида давлат ва жамоат ташкилотларининг юксак мукофотлари билан муносиб тақдирланган. Хусусан, Қозоғистон ССР “Халқ маорифи аълочилиги” белгиси, Таълим ва фан вазирлигининг “Таълим соҳасининг “Фахрий ходими” кўкрак нишони, “ҚР Мустақиллиги 20 йил” байрам медали, “ҚР Мустақиллиги 20 йил” байрам медали, “ҚР Мустақиллиги 25 йил” медали, “Астанага 20 йил” байрам

медали, ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаевнинг Фахрий ёрлиғи, “Қозоғистон маслаҳатларига 25 йил” байрам медали, Қозоғистон халқи Ассамблеясининг Ташаккурномаси, “Қозоғистон Конституциясига 25 йил” байрам медали, Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенатининг ташаккурномаси, ҚР Маданият ва ахборот вазирлигининг “Меҳнат фахрийси” медали билан тақдирланган. Шунингдек, унинг кўп йиллик хизматлари республика, вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан муносиб баҳоланган.

Халқаро психология фанлари академиясининг фахрий академиги унвони соҳиби З. Чолдонов вилоят маслаҳатининг депутати сифатида 2018 йили 5 июнь куни Шимкентда ўтган Жанубий Қозоғистон вилоят маслаҳатининг навбатдан ташкари XXIII тарихий сессиясига теран масъулият, маҳорат ила раислик қилди. Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурий марказини Шимкентдан Туркистон шаҳрига кўчириш тўғрисида ҚР Хукуматига тавсия киритиш тўғрисида тарихий масала кўрилган, ўша кездеги Хукумат раҳбари ва Президент девони раҳбари иштирок этган, вилоят депутатлари яқдиллик билан қўллаган анжуман раиси Зуппархон Субат ўғли зиммасидаги шонли вазифани шараф билан адо этди. З. Чолдонов умр йўлдоши билан икки ўғил, уч қиз тарбиялаган, ўн икки неварани кўрган пири бадавлат оила соҳиби.

Нафақа ёшида бўлса ҳам жамоат ишларида фаол, хусусан, Туркистон вилоят ўзбек этнома-

даният бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси вазифасини маслаҳатчи ила адо этмоқда. Ўтган йил вилоят марказида бунёд этилган “Дўстлик уйи” ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев иштироки, вилоят ҳокими ҳамроҳлигида тантанали очилганида Зуппархон Субат ўғли Қозоғистон халқи Ассамблеясининг аъзоси сифатида вилоятимиздаги жамоат ташкилотлари раҳбарлари ила фаол иштирок этиб, Давлат раҳбари билан мулоқотда бўлиш шарафига муяссар бўлди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Зуппархон Чолдонов; вилоят фаоллари ҚР Президенти, ҚХА раиси Қ. Тўқаев билан.

**Р.С. Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибидagi ҚР “Дўстлик” ҳам-жамияти, жамоат то-тувлиги вилоят давлат коммунал муассасаси, вилоят, Саврон тумани ҳамда Эски Иқон ЭЎМБ бошқарувлари, ҳамкасб-лари, шогирдлари, депутатлар, оила аъзолари Зуппархон Субат ўғлини 70 ёшга тўлиши муносабати ила самимий муборакбод этиб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, кенг қаровели жамоат ишларида янги зафарлар тилайди. “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти кўп йиллик фаол жонкуярга билдирилган хайрли ниятлар ижобатига самимий тилакдош.**

**Воҳбайт**

“БАРЧАДИН АШРАФКИ,  
УЛ ИНСОН ЭРУР –  
КИМ, КАМОЛИДА ХИРАД  
ҲАЙРОН ЭРУР”.  
Алишер НАВОЙИ.  
(Маъноси: “маъжудот ичидa барчадан афзали инсондир, унинг ҳар жиҳатдан мукамал яратилганини кўриб, ақл ҳам ҳайрондир”).

**Шарҳи ҳақиқати**

**“МАНСАБ КУРСИСИНИ  
БЎШАТ!”**

Айтишларича, ўтмишда бир амалдор шахс донога: “Одамларнинг келди-кетмаси жонимга теги, адолат талаб қилиб келувчилардан бозор бўлдим!” – деди. Доно эса унга шундай жавоб берди: “Иззат тўшагини тарк этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб айтаманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийилади!”.

БАЙТ:  
Ихтиёри бўлган киши олдиға,  
Беихтиёр оқиб келади одам.  
Ихтиёри кетган унинг қўлидан,  
Келмас ҳеч ким унинг олдиға бир дам!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ.

**Оғаҳийнинг дуоси**

Худовандо! Баҳаққи боғи жаннат,  
Насибам айла жаннат ичра ишрат.  
Худовандо! Баҳаққи хуру ғилмон,  
Манга қил хуру ғилмонларни ёрон.  
Ки ёрон ҳаққи, то қилгум ризосин,  
Қабул қил Оғаҳийнинг ҳам дуосин.

**Ҳақиқат**

Тавба қилиб, ҳаққа ёнган ошиқларга,  
Ужмоҳ ила тўрт ариғда шарбати бор.  
Тавба қилмай Ҳақ ёдидан гофилларга,  
Тор лаҳадда қатти азоб-ҳасрати бор.

Аҳмад ЯССАВИЙ.

Ужмоҳ – жаннат.

**Авлиёлар ҳақиқати**

“Одам фарзанди шу уч нарса билан давомли итмотда бўлса, савол-жавобсиз жаннатга кира олади: қалб, нафс, тил”.

Абул Ҳасан ҲАРАҚОНИЙ.

“Дининг билан эмас, балки касбинг билан ризку рўзингни топ”.

Абдулқодир ЖИЛОНИЙ.

**ОДОБ**

Туркиядаги масжидлардан бари-га имом шундай ёзиб қўйган экан:  
“Болаларимизга ибодат қилишни ўргатишдан аввал, ахлоқли бўлишни ўргатайлик.  
Бўлмаса намоз ўқийдиган ўғри,  
Руза тутадиган бузуқ,  
Ҳажга борадиган ёлгончи,  
Шаҳодат келтирадиган бир тер-рорчи бўлиши ҳам мумкин.  
Яъни, руҳ ила вужудни гўзал бир ахлоқ ва ибодат бир бутунни ташкил этади”.

Фарзандимиз ақлли, ибодатли ёки яхши ўқиши мумкин, лекин одоби бўлмаса, ҳеч кимдир.

**»» Табобат**

**Томир тортишини табиий усулда даволашни биласизми?**

**ЛИМОН ШАРБАТИ.** Томир тортишадиган жой эрталаб ва кечқурун лимон шарбати билан яхшилаб артилади ва қуритилади. Қуригач, оёқ кийим кийиш мумкин. Бу муолажа 14 кун давомида ҳар куни бажарилади. Натижаси кўп куттирмайди.

**ЛАВР БАРГИДАН** тайёрланган ёғли эритма томир тортишини жуда яхши даволайди. Бунинг учун 50 гр. лавр яроғини 250 мл ўсимлик ёғига 12 кунга солиб қўйилади ва томир тортишадиган жойга суртилади. Ушбу муолажа ҳар куни 1 маҳал бажарилади.

**Биласизми?**

Сиз кунига атиги 4та хурмо истеъмол қилиб, иммунитетни ошириш, суякларни мустаҳкамлаш ва қон босимини мўътадиллаштиришга эришасиз.

Шунингдек, хурмо овқат ҳазм қилишни яхшилайди, темир даражасини оширади, юрак фаолиятини созлайди ва аллергиянинг олдини олади.

Араб хурмоси паразитларни йўқ қилади.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22  
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42  
Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90  
Тулкибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97  
Келес, Саригонч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82  
Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VRY00022503 уювгоҳнома берилган.

“ERNUR” print” МЧБ бошмақоҳонасида chop этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

Бир нумар  
600.

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11600 нусха.

Навбатчи муҳаррир: Наргиз МАВ.ЮНОВА.